

Б. К. Турмашева, С. С. Салиш, Т. Н. Мирук



Умумтаълим мактабларининг
1-синфи учун дарслик

Таълим ва фан вазирлиги томонидан тавсия етилган
Қозоғистон Республикаси

Алмати



«Атамұра» –



«Жазушы»

2021

УДК 000

ББК 000

Т 00

ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР



Саволлар ва
топшириқлар



Мустақил иш



Мұхокама қыламиз
ва үйлаймиз



Жуфтликда
ишлаш



Ёдда тутинг



Гурұхда ишлаш



Бу қызық



Күпроқ билиб
олинг



Үрганинг



Турмашева Б.К. ва бошқ.

Т 00 **Дүнё таниш:** Умумтағым мектабл. 1-сinf учун дарслік / Б.К.Турмашева
С.С. Салиш, Т.Н. Мирук – Алмати: Атамура, 2021 – 116-бет

ISBN 000-000-000-000-0

УДК 000
ББК 000

ISBN 000-000-000-000-0

© Турмашева Б. К.,
Салиш С.
С., Мирук Т. Н., 2021
© Атамұра, 2021

Мундарижа

1-мавзу . ҲАММАСИ МЕН ҲАҚИМДА

1-дарс. Бизнинг мактабимиз	8
2-дарс. Менинг кун тартибим.....	10
3-дарс. Ҳафтада неча кун бор	12
4-дарс. Оила қандай яшайди?	14

2-мавзу. МЕНИНГ МАКТАБИМ

5-дарс. Мактаб – умумий үйимиз	19
6-дарс. Менга ўқиш қизиқарли	21
7-дарс. Мактаб қоидалари	24
8-дарс. Мактабга йўл	26

3-мавзу. МЕНИНГ ОИЛАМ ВА ДЎСТЛАРИМ

9-дарс. Менинг оилам.....	31
10-дарс. Оилавий байрамлар	33
11-дарс. Оилавий ташвишлар	35

4-мавзу. АТРОФИМИЗДАГИ ОЛАМ

12-дарс. Ориентир олиш нима?	40
13-дарс. Менинг қадрдан ўлкам	43
14-дарс. Йил фасллари.....	46
15-дарс. Об-ҳаво нима?	48

Тема V. ПУТЕШЕСТВИЯ

16-дарс. Энг қадимги одамлар қандай бўлишган ва қандай яшашган?.....	52
17-дарс. Саклар кимлар?	54
18-дарс. Саклар маликаси Тўмарис	57

19-дарс. Нима учун одамлар саёҳат
қилишади? 59

20-дарс. Нур-Султан – Қозоғистон пойтахти 61

6-мавзу. АНЪАНАЛАР ВА ФОЛЬКЛОР

21-дарс. Мустақил Қозоғистон 66

22-дарс. Мамлакатимнинг давлат рамзлари 68

23-дарс. Қадимги ёзувлар 71

24-дарс. Нима сабабдан Олтин одам
мамлакат рамзига айланди? 74

25-дарс. Вазифалар калейдоскопи 76

7-мавзу. ТАОМ ВА ИЧИМЛИКЛАР

26-дарс. Менинг соғлигим.
Мен қандай овқатланаман? 80

27-дарс. Қадимги одамларнинг ҳаёти
қандай ўзгарган? 83

28-дарс. Одамлар ҳамма вақт ҳам
савдо қилишганми? 86

29-дарс. Бизнинг эҳтиёжларимиз
ва имкониятларимиз 89

8-мавзу. СОҒЛОМ ТАНДА СОҒ АҚЛ

30-дарс. Менинг соғлигим. Шахсий гигиена 94

31-дарс. Уйда қандай хавфлар бўлади? 97

32-дарс. Табиатда ўзини қандай тутиш керак? 100

33-дарс. Вазифалар калейдоскопи 102

Якуний тест “Ўзингизни текширинг” 106

Глоссарий 110

Манбалар рўйхати 114

Азиз биринчи синф ўқувчиси!

Сиз бизнинг дарсларимизда сизни ўраб турган олам билан танишасиз. Аввало, булар одамлар – оила, мактабдаги синфдошлар ва ўқитувчилар. Оила-нинг қандай ҳаёт кечираётгани, оилавий ташвишлар ва байрамлар қандай бўлишини билиб оласиз. Нима сабабдан мактабда тартиб қоидасига риоя қилиш кераклигини тушуниб оласиз.



Инсон табиат қуршовида яшайди. Сиз табиат ҳодисалари билан танишасиз. Об-ҳаво ва йил фасллари нималигини аниқлайсиз.

Табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлишни ва тартиб қоидасига риоя қилишни ўрганасиз.



Дарслигимиз саҳифаларида ўтмишга саёҳат қилишни бошлайсиз. Қадимги одамлар қандай яшашганлигини билиб оласиз. Бизнинг узок аждодларимиз бўлган саклар ўз Ватанларини қандай ҳимоя қилганларини билиб оласиз.

Булар ва бошқа кўп нарсалар ҳақида дарсларимизда билиб олишингиз керак бўлади. Дарсликдан энг муҳимларини билиб оласиз. Китоблардан, Интернетдан ва бошқа одамлардан янада кўпроқ билиб оласиз. Ўқувчининг дафтаридаги вазифаларни бажарасиз ва билимларингизни мустаҳкамлайсиз.

Оқ йўл! Ўзингиз яшаётган ажойиб ва ҳайратларли дунёни танишингизда муваффақиятлар тилаймиз!!

1-мавзу. ҲАММАСИ МЕН ҲАҚИМДА

БИЗ:

- синф ва мактаб ҳақида гаплашамиз;
- кун тартибини тузишни ўрганамиз;
- ҳафта ҳақида гаплашамиз, сутканинг нима эканлигини билиб оламиз;
- нима сабабдан яқин одамларга ғамхўрлик кераклигини билиб оламиз.





1-дарс

Калит сўзлар:
мактаб ўқувчиси
синф



Расмларни кўриб чиқинг. Унда кимлар тасвириланган?
Бу болаларнинг қандай умумий томони бор?
Улар нимаси билан фарқ қилишади?
Ўзингизни болаларнинг қайси турӯҳига мансуб деб биласиз? Нима учун?



Болалар боғасида болалар нима билан шуғулланишади?
Болалар нима мақсадда мактабга боришади? Ўқувчилар қандай бўлишлари кераклигини айтинг.

Мактабда ҳамма болалар – мактаб ўқувчилари.
Ҳар бир ўқувчи кузатишни, эслаб қолишни, диққат билан тинглашни билишлари керак.

Ўқувчилар нимани билишлари керак?

Бизнинг мактабимиз

Билиб оламиз:

– ким мактаб ўқувчиси дейилишини.

Ўрганамиз:

синфда риоя қилиниши керак бўлган қоидаларни.



Фикр юритинг, синфда қандай қоидаларга риоя қилиш керак?

Нима сабабдан болалар мактабда биттадан ўқишмайди?

Үқувчилар синфда ўқишиади. Нима деб ўйлайсиз, "синф" нимани англатади?



Бирга ўқишиң қизиқроқ.

Қайси буюмлар ўқиши учун, қайсилари эса ўйин учун кераклигини аниқланг.



Ўқитувчи ва синф билан мактабни ўрганинг. Тиббиёт хонаси, кутубхона, спорт зали қаерда жойлашганини эслаб қолинг.



2-дарс

Калит сүзлар:
кун тартиби



Сиз ҳар куни эрталаб, кундузи, кечки пайт ва тунда қандай ишлар қиласиз?

Расмларни күриб чиқинг. Болалар эрталаб, кундузи, кечки пайт ва тунда нима билан банд бўлишларини айтиб беринг.



Кун тартиби – бу меҳнат, дам олиш ва оқатланишнинг яхши ўйланган тартибидир. Тўғри кун тартиб соғликни сақлади.

Менинг кун тартибим

Билиб оламиз:

- кун тартиби нималигини;
- кун тартибини қандай тузишни.

Ўрганамиз:

- ўз кунимизни режалаштиришни.

Агар кун тартибига риоя қилинса, күп ишларни қилишга улгuriш мумкин. Бир кун ичида мактабга бориб келиш ҳам, оилага ёрдам бериш ҳам, сайр қилиш ҳам, китоб ўқиш ҳам, дўстлар билан ўйнаш ҳам мумкин.

Расмларни кўриб чиқинг. Анварнинг кун тартиби ҳақида ҳикоя тузинг. Мактаб ўқувчисининг шундай кун тартиби бўлиши мумкинми? Нима учун?



Вспомни свой режим дня. Какой режим дня у твоего соседа по парте? Что у вас общего в режиме дня? Обсудите вместе, какими делами можно заниматься после обеда.



Ўзингизнинг кун тартибингизни эсланг. Партадошингизнинг кун тартиби қанаقا? Сизларнинг кун тартибингизда қандай умумийлик бор? Пешиндан кейин қандай ишлар билан шуғулланиш мумкинлигини муҳокама қилинг.



Нима учун кун тартибига риоя қилиш кераклигини ўйлаб кўринг. Агар кун тартибига риоя қилинмаса, мактаб ўқувчисининг соғлиги билан нима содир бўлишини тасаввур қилиб кўринг. Унутманг! Соғлик иш билан меҳнатнинг алмашинишига боғлиқ. Соғлигингизга ёрдам бериш учун дам олинг.



Калит сўзлар:
сутка
ҳафта

Ҳафтада неча кун бор?

Билиб оламиз:

– ҳафта кунларини.

Ўрганамиз:

– ишларимизни бир ҳафтага режалаштиришни.

Кун ва тун бир бирини алмаштиради. Эрта, кеч, кун ва тун – сутка кетди нарига. Кундузи одамлар фаол, ишлашади, ўқишади, тунда эса дам олишади.

Сиз эрталаб, кундузи, кечки пайт нима қиласиз?



Кун ва тун суткани ташкил қилади.
Бир ҳафтада еттита сутка бор.

Ҳафта кунларининг номларини айтинг.



Қайси кунлари мактабга борасиз? Ҳафтанинг қайси кунларида мактабда машғулотлар бўлмайди? Қандай ўйлайсиз, нима учун?



Бугун ҳафтанинг қайси куни?
Кече ҳафтанинг қайси куни бўлган эди?
Эртага ҳафтанинг қайси куни бўлади?
Сизда ҳафтанинг севимли куни борми? Нима учун?



Ҳафтанинг қайси кунлари дам олиш кунлари ҳисобланади?


Дам олиш кунларингизни қандай ўтказишингизни айтиб беринг.

Агар бугун сешанба бўлса, 2 кундан кейин қандай кун келади?



Ҳафта кунлари тақвимларга ва кундалик дафтарларга ёзилади. Улар вақтни режалаштириш ва муҳим ишларни бажаришни ёддан чиқармаслик учун керак.

Д	Ш	С	Ч	П	Ж	У	Ш	Я	Қ
					1	2	3		
4	5	6	7	8	9	10			
11	12	13	14	15	16	17			
18	19	20	21	22	23	24			
25	26	27	28	29	30	31			





4-дарс

Калит сўзлар:

оила
ғамхўрлик

Оила қандай яшайди?

Билиб оламиз:

– ғамхўрлик нималигини..

Ўрганамиз:

– оила ҳаёти ҳақида ҳикоя қилишни.

Хар бир одамнинг ўз оиласи бор. Оила – бу энг яқин ва туғишган одамлардир. Оилада ҳамма бир бирини яхши кўради ва ҳар бири тўғрисида ғамхўрлик қилади.

Бу Азизанинг оиласи.

Расмларни кўриб чиқинг ва саволларга жавоб беринг.



Унинг оила аъзоларини айтинг.

Отаси ва онаси ким бўлиб ишлашади?

Бобоси ва бувиси нима билан шуғулланишни яхши кўришади? Болалар-чи?

Азизанинг оила аъзолари бир бирига ғамхўрлик қилишади деб айтиш мумкинми?



Үз оилангиз ҳақида гапириб беринг. Ота ва онангиз-нинг исмлари нима?
Оилада яна кимлар бор?
Сизлар кечки пайтлар ва дам олиш кунларини қандай үтказасиз?
Сиз ҳаммадан ҳам нимани бирғалиқда бажаришни яхши құрасиз?



Сизга ва оилангизга ҳар куни нима керак бўлади?
Уйингизда бу нарсалар қандай пайдо бўлишини айтиб беринг.



Ғамхўрлик – ёрдам, суюнчиқ бўлиш, эътибор билан муносабатда бўлиш. Одамга, жониворларга, нарса-буюмларга ғамхўрлик қилиш мумкин.



Расмдаги болалар бир бирларига қандай ғамхўрлик қилишади?
Сиз ўз оилангизга қандай ғамхўрлик қиласиз?
Яна нима қила олишингизни айтиб беринг.



Оилада энг муҳим нарса – бу муҳабbat, ҳурмат, ғамхўрлик ва ёрдам. Катталарга ёрдам беришини, кичикларга ғамхўрлик қилишни унутманг.

«ҲАММАСИ МЕН ҲАҚИМДА» мавзусини ўрганишда,

БИЛИБ ОЛДИК:

- кимни мактаб ўқувчиси дейилишини;
- кун тартиби нима эканлигини;
- ҳафта кунларини;
- ғамхўрликнинг нима эканлигини.

САВОЛЛАРГА ЖАВОБ БЕРИНГ

Ҳар бир мактаб ўқувчиси нимани ўрганиши керак?

Нима учун кун тартибига риоя қилиш керак?

Бир ҳафтада неча кун бор?

Оила нима?

ТОПШИРИҚНИ БАЖАРИНГ

1. Рассом нимани тасвирлаган? Расмлар орасида қандай фарқ борлигини тушуниринг.



2. Рассом кун тартибининг кетма-кетлигини адаштириб юборди.

Воқеалар қайси тартибда содир бўлиши керак эди?



2-мавзу.

МЕНИНГ МАКТАБИМ

БИЗ:

- мактабнинг аҳамияти ҳақида гаплашамиз;
- ўз мактабимиз тўғрисида кўпгина қизиқарли нарсаларни билиб оламиз;
- мактаб ўқувчиси учун қоидалар ҳақида гаплашамиз;
- хавфсиз йўл нима эканлигини билиб оламиз;
- йўлдаги тартиб қоидасини билиб оламиз.



Мактаб – умумий уйимиз

Билиб оламиз:

- ўз мактабимиз түғрисида күпгина қызықарлы нарсаларни.

Урганамиз:

- мактабимизда ориентир олишни.



5-дарс

Калит сўзлар:
ўқитувчи
синф



Расмларни кўриб чиқинг. Унда нималарни кўряпсиз?
Мактабингиз ҳақида нималарни билиб олганингизни
айтиб беринг.

Болалар нима учун мактабга боришади?
Сиз мактабда нимани ўрганишни хоҳлайсиз?

Мактабнинг қоидаси бор. Барча ўқувчилар
уларга риоя қилишлари керак.

Сиз мактаб қоидаларининг қайсиларини билиб
олгансиз ва риоя қиласиз?



Қўлни қандай кўтариш керак, туриш, саволларга
жавоб бериш керак? Сизнинг ўқув қуролларин-
гиз, китоблар ва дафтарларингиз парта устида
туриши керакми?

Мактабда нималар бор?



Синф – бу сиз ўқийдиган хона. Синф – бу сиз ва сизнинг синфдошларингиз.

Синф – аҳил бўлса, ўқиш қизиқарли бўлади.

Расмларни кўриб чиқинг. Бу мактаб хоналари қандай номланишини айтинг. У ерда кимлар ишлашади? Мактаб ўқувчилари нима қилишяпти?



Сиз мактаб хоналарининг қайсинисида бўлдингиз? Кутубхона, ошхона, спорт зали, шифокор хонаси нечанчи қаватда жойлашган? Бу хоналарда қайси пайтда бўлиш мумкин?



Ўқитувчи ва синфдошларингиз билан мактабда ўқитувчилардан ташқари яна кимлар ишлашини аниқланг. Уларнинг касбларини айтинг.





6-дарс

Калит сўзлар:
жамоа
тартиб



Биринчи синфга қандай келганингизни айтиб беринг.

«Синф» сўзи қандай маънони англатади?
«Жамоа» сўзи қандай маънони англатади?

Үқиш сиз учун қизиқарлими?



Үйланг ва жавоб беринг. Якка ўзингиз ўқиганингиз яхшиими ёки гуруҳдами?

Нима учун?

Үқиш қизиқарли бўлиши учун синф қандай бўлиши керак?



Жамоа – бу қандайдир умумий фаолият, иш, үқиш ва бошқалар билан бирлашган одамлар грухи.

Биргаликда үқиш анчагина қизиқарлироқ. Биргаликда ишлаганда, ўзаро ёрдам қоидасига риоя қилиш керак. Бу бир бирларига ҳурмат белгисидир.



Катталар ёрдамида жуфтликда ва гуруҳда қандай қоидаларга риоя қилиш кераклигини ўқиб чиқинг. Нима учун бу қоидаларга риоя қилиш кераклигини тушунтиринг

Жуфтликда ишлаш қоидалари

1. **Иккови** ҳам ишлашлари шарт!
2. Биттаси **гапиради**, иккинчиси тинглайди.
3. **Норозилигингизни** мулойимлик билан билдиринг.
4. **Тинч** ишлаш, бошқаларга халақит бермаслик керак.

Гуруҳда ишлаш қоидалари

1. Гуруҳда **масъул** ўқувчи бўлиши шарт.
2. **Ҳар ким** умумий натижа учун ишлаши керак.
3. Биттаси **гапиради**, қолганлари тинглайдилар.
4. Норозилигингизни **мулойимлик билан** билдиринг.
5. Агар тушунмасангиз, қайта **сўранг**.



Ўқувчилар нафақат биргаликда ўқишиади, балки вақтни ҳам қувноқ ўтказишиади.



Синфингиз танаффусни қандай үтказишини ҳикоя қилиб беринг.

Үқитувчи сизга дунёни танишингизда ёрдам беради.

Үқишингизга яна ким ёрдам беради?

Үқитувчингиз ҳақида гапириб беринг.



Синфдаги тартиб қоидаси

1. Бир бириңизни ҳурмат қилинг.
2. Мактаб тартиб-интизомига риоя қилинг.
3. Синфда озодалик ва тартибга ҳамда шахсий гигиенага амал қилинг.
4. Катталарга ҳурмат билан қаранг.
5. Мактаб мулкига эҳтиёткорона муносабатда бўлинг.



7-дарс

Калит сўзлар:
тартиб
қоида

Мактаб қоидалари

Билиб оламиз:

- мактаб қоидалари ҳақида.

Ўрганамиз:

- мактабда тартиб қоидаларини тузишни.

Сизнинг ёнингизда доимо одамлар бўлишади.
Мактабда – ўқитувчилар ва синфдошлар. Уйда – оила.

Маҳаллада – қўшнилар ва дўстлар. Автобусда – хотаниш одамлар.



Синфдошларингиз билан тартиб қоидаларининг нима эканлигини муҳокама қилинг. Улар нима учун зарур?

Мактабнинг ҳам ўз тартиб қоидалари бор. Кўпгина қоидаларни билиб олгансиз ва риоя этяпсиз.

Расмларни кўриб чиқинг. Ўқувчиларнинг қайси бири тартиб қоидаларига риоя қилаётганини айтинг.





Расмларни күриб чиқинг. Рассом қандай тартиб қоидалари тұғрисида айтмоқчи бўлди.



Агар мактабда тартиб қоидалари бўлмаса, нима содир бўлган бўлган бўларди?



Нима учун мактабда тартиб қоидалариға риоя қилиш керак?



Мактабда ёки бошқа жойдаги асосий тартиб қоида – атрофдаги одамларга халақит бермаслик!



8-дарс

Калит сўзлар:
пиёда юрувчи
хавфсизлик
йўл белгилари

Мактабга йўл

Билиб оламиз:

– йўлдаги тартиб қоидаларини.

Ўрганамиз:

– пиёда юрувчилар учун йўл белгиларини тушунишни.

Пиёда юрувчи

Сиз – йўл ҳаракати иштирокчисисиз.

Пиёда кетаётган бўлсангиз, сиз –
пиёда юрувчи.



Хайдовчи

Хайдовчи транспортни бошқаради.
Транспортнинг қандай тури бўлади?



Уйингиздан мактабгача бўлган
йўлни эсланг.

Сиз уйдан мактабгача ва орқага
йўлни эслаб қолдингизми?

Йўлда қайси тартиб қоидала-
рига риоя қиласиз? Йўлдаги
хавф-хатардан қандай сақланиб
қолиш мумкин?

Барча пиёда юрувчилар ва ҳайдовчилар йўл ҳа-
ракати иштирокчиларидир. Ҳамма одамлар йўл
ҳаракати қоидаларига риоя қилишлари керак.



Нима сабабдан ҳамма одамлар йўл ҳаракати қои-
даларига риоя қилишлари керак?


Йўл ҳаракати қоидаларининг ўз ёрдамчилари бор. Улар расмларда тасвириланган.



Пиёдалар
йўлаги



Пиёдаларнинг ҳаракати
тақиқланади



Ер ости
пиёдалар
йўлаги



Дикқат, болалар!

Светофорнинг
ишилаши ҳақида
нималарни
биласиз?




Сиз қайси белгилар билан таниш эканлигинизни айтинг. Йўл белгиларини кўриб чиқинг. Уларнинг номларини ўқинг. Улар нимани билдиради? Мактабнинг йўлида сизга қайси белгилар учрайди? Қаранг, ҳар бир белгининг ўз ранги ва шакли бор. Қизили хавф-хатар ҳақида огоҳлантиради!



Йўлка (тротуар) нима?

Болалардан ким йўл ҳаракати қоидаларига риоя қиляпти, ким эса – йўқ? Нима сабабдан йўлдан ўтаётганда, чап ва ўнг томонларга қараш керак? Сиз дўстингизга йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш унинг хавфсизлиги учун зарурлигини қандай тушунтирган бўлардингиз?



«МЕНИНГ МАКТАБИМ» мавзусини ўрганишда,

БИЛИБ ОЛДИК:

- мактабимиз ҳақида күп қизиқарли нарсаларни;
- биргаликда ўқиш қизиқ эканлигини;
- мактаб қоидалари түғрисида;
- йўлдаги тартиб қоидаларини.

БИЗ ЎРГАНДИК:

- мактабда тартиб қоидаларини тузишни;
- пиёда юрувчилар учун йўл белгиларини тушунишни.

САВОЛЛАРГА ЖАВОБ БЕРИНГ

Мактабда кимлар ишлайди?

Нима учун биргаликда ўқиш қизиқ?

Қандай мактаб тартиб қоидаларига риоя қиласиз?

Кимлар йўл ҳаракати иштирокчиси дейилади?

Кўчани қандай жойлардан кесиб ўтиш мумкин?

Хавф-хатар түғрисида қайси рангдаги белгилар огоҳлантиради?



ТОПШИРИҚНИ БАЖАРИНГ

1. Бу ўқув предметларининг қайси фан учун кераклигини топинг.



2. Топинг, бу нима.

Йўлнинг ўзи йўл-йўлдир –
Пиёдага ёрдамчи.
У орқали эҳтиёт-ла
Йўлдан ўтса бўлади.

(В.Тунников)



3-мавзу. МЕНИНГ ОИЛАМ ВА ДҮСТЛАРИМ

БИЗ:

- инсон учун энг қадрли нарсани билиб оламиз;
- туғишилдер ва энг яқин одамлар ҳақида гаплашамиз;
- оила аязолари қандай ғамхүрлик күрсатишлигини билиб оламиз;
- яқин одамларимизга ғамхүрлик күрсатишни ўрганамиз;
- биргаликда оилавий альбомни варақтаймиз;
- қандай оилавий байрамлар бўлишини билиб оламиз.



Менинг оилам

Билиб оламиз:

– оила нимани англатишини.

Ўрганамиз:

– «оила» сўзининг маъносини тушунтиришни.



9-дарс

Калит сўзлар:

Оила



Расмларни кўриб чиқинг. Унда турли оилалар тасвири берилган. Бу одамларни бир бирига яқин дейиш мумкинми? Буни қандай аниқладингиз? Нима деб ўйлайсиз, нима учун яқин одамлар бирга яшашади?



Аҳил оилада барча таомлар ширин.

Оила тўғрисида яна қандай бошқа мақолларни биласиз?

Оила – бу яқин ва туғишиган одамлар.

Оилада ҳамма бир бирига ғамхўрлик қиласди, бир бирига ёрдам беради.

Дунёда бир хил оилалар йўқ. Оилалар бир биридан нафақат оиладаги одамларнинг сони билан, балки ўз ҳаёти билан ҳам фарқ қиласди. Ҳар бир оила ўз уйи, ўз хонадонида яшайди.



Ўз оилангиз ҳақида гапириб беринг. Оилада ким энг меҳрибон ва шириңсўз? Нима учун сизга у билан яхши. Онангиз, отангиз, бувингиз, бобонгиз, ака-укаларингиз, опа-сингилларингиз ҳақида гапиришни унутманг.

Ота ва онангиздан уларнинг қандай ўқиганликларини, оиладаги катталар ва кичикларга қандай ёрдам берганликларини сўраб билинг.



Сиз ота ва онангизга ким бўласиз? Буви ва бобонгизга –чи? ака-укангиз, опа-синглингизга-чи?

Таянч сўзлар: ўғли, қизи, набираси, акаси, укаси, опаси, синглиси.

Ҳар бир оиланинг ўз кун тартиби ва қоидалари бор. Лекин ҳар бир оила аъзолари бир бирларини ҳурмат қилишади. Катталар кичикларга ғамхўрлик қилишади, кичиклар эса катталарга ҳурмат кўрсатишади.



Катталардан оилангиз тарихини сўранг. Оилавий фотоальбомни ўрганинг. Оилангиз ҳақида ҳикоя тузинг. Ҳикояни синфга тақдим қилинг.

Оилавий байрамлар

Билиб оламиз:

– оилавий байрамлар түғрисида.

Үрганамиз:

– оилавий байрамни таърифлашни.



10-дарс

Калит сўзлар: байрам

Бизнинг ҳаётимизда оддий кунлар ва байрамлар бор.



Байрам нима?

Байрам куни оддийсидан
нимаси билан фарқ қиласи?
Сизнинг оилангизда қандай
байрамлар нишонланади?



Байрам – бу ўзига хос кун. Бу кунда ҳамма ёмонликлар эсдан чиқади. Турли оилаларнинг ўз байрамлари мавжуд. Оилавий байрам ҳар доим ўзгача бўлади. Катталар ва болалар биргаликда оилавий байрамга тайёргарлик кўришади. Бу кунда уйга энг қадрдон ва яқин одамлар йиғилишади. Қозоқ ҳалқи ҳар доим меҳмондўст ҳисобланган. Ҳамма вақт байрам дастурхони атрофига кўп меҳмонлар йиғилишган.

Расмларни кўриб чиқинг ва оилада қандай воқеа нишонланаётганини айтинг.



Бу расмга қаранг. Бу удум сизга танишми? Бу байрам ҳақида нима билишингизни айтиб беринг.



Бола ўзининг ilk қадамларини ташляяпти. Бу воқеани бутун оила нишонлаяпти. Тушовкесар – “оёқдаги тушовни кесиш” маросими ўтказиляпти. Шу дақиқадан бошлаб гўдакнинг ҳаётида янги босқич бошланади. У юришни ўрганиб, дунёни танийди.



Сизнинг оилангиз оилавий байрамга қандай тайёргарлик кўради?
Бу кунда қандай ўйинлар ва танловлар ўтказилади?
Мусиқа чалинадими?

Ҳар бир оилавий байрам – бу муҳим ва қувончли ҳодиса. Оила даврасида байрам қилиш ҳамма вақт кўнгилли бўлади.



Бизнинг мамлакатимизда ажойиб байрам – Оила куни бор. У сентябрда нишонланади.

Оилавий ташвишлар



Билиб оламиз:

- оила аъзоларининг ғамхўрлик қилишлари-ни.

урок 11

Калит сўзлар: оилавий ташвишлар

Оилалар катта ва кичик бўлади, лекин ҳар бирининг ўз оилавий ташвишлари бор. Сиз оиладаги энг муҳим жиҳат – бир бирларига муҳаббат ва ғамхўрлик эканлигини билиб олгансиз.



Ота-оналар ўз фарзандларини тарбиялашади, уларга ғамхўрлик қилишади. Оиланинг катта аъзолари болалари, бобо ва бувиларга яхши шароит яратиш учун ишлайдилар.

Катталарнинг меҳнатлари туфайли уйда қандай озиқ-овқат маҳсулотлари ва нарсалар пайдо бўлишини айтиб беринг.

Болалар уйда қўлларидан келадиган ишларни қилишлари, ўз муваффақиятлари билан катталарни хурсанд қилишлари керак.

Оилангизда ота-онангиз нималарнинг ташвишини қиладилар? Бобо ва бувингиз қандай ишлар билан бандлиги ни айтинг. Отa-онангиз, бобо ва бувингизни қандай хурсанд қилишингиз мумкинлиги ҳақида ўйланг.



Сиз яқинларингизга ғамхўрлик қила оласизми?
Яқинларингизга қандай ишлар билан хурсандчилик бағишлай оласиз?



Расмларни күриб чиқинг. Ким нима билан шуғуланаётгани ҳақида ҳикоя тузинг. Оила аъзолари бир бирларига қандай яхши ишлар қилишяпти? Бу ишларни ташвишлар дейиш мумкинми? Нима учун?



Оила – бу сизга энг яқин ва туғишган одамлар. Оила ҳамма вақт сизга ёрдам беради ва сизни қўллайди. Катталар ва кичикларга ғамхўрлик қилишга, уларни тез-тез ўз муваффақиятларингиз билан қувонтиришга ҳаракат қилинг. Қозоқ халқининг шундай мақоли бор: «Құртақандай торғай да, өз ұясын қорғайды» (Кичиккина түрғай ҳам ўз уясини қўриқлади). Мақолнинг маъносини изоҳланг.

**«МЕНИНГ ОИЛАМ»
мавзусини ўрганишда,**

БИЛИБ ОЛДИК:

- оила нимани англатишини;
- оилавий байрамлар тўғрисида;
- оилавий байрамларни қандай таърифлашни;
- оила аъзоларининг қандай ғамхўрлик қилишларини.

БИЗ ЎРГАНДИК:

- «оила» сўзининг маъносини тушунтиришни;
- оилавий байрамни таърифлашни.

САВОЛЛАРГА ЖАВОБ БЕРИНГ

Оила нима?

Оилавий байрам бошқа ҳар қандай байрамдан нимаси билан фарқ қиласди?

Сиз қандай оилавий байрамларни биласиз?

Оила аъзоларига қандай ғамхўрлик қилиш мумкин?



ТОПШИРИҚЛАРНИ БАЖАРИНГ

1. Ребусларни ечинг. Сўз-жавоблар қандай умумий мавзуга бирлашган?



“



“

ДЕ



КА



“

T



,



,

~~БД~~



B



P = Н

2. Бу предметлардан қайси оиласвий байрамларда фойдаланилади? Бу байрамлар ҳақида нима билишингизни айтиб беринг.



4-мавзу. АТРОФИМИЗДАГИ ОЛАМ

БИЗ:

- уфқнинг нима эканлигини билиб оламиз;
- маҳаллий белгиларга қараб уфқнинг томонларини аниқлашни ўрганамиз;
- харитадан ўз аҳоли пунктимизни топамиз, ўз қишлоғимизнинг (шахримиз) бош кўча-си, бинолари ва унтилмас жойларини таърифлаймиз;
- об-ҳавонинг одамлар ҳаётига таъсирини билиб оламиз;
- йил фаслларининг алмашиниши билан рўй берадиган ўзгаришларни аниқлашга ўрганамиз.





12-дарс

Калит сўзлар:

уфқ
маҳаллий
белгилар



Нима сабабдан атрофдаги маконда ориентир олишни билиш керак?

Осмоннинг ер ёки сув юзаси билан туташиб кетгандай ту-юладиган чизик **уфқ** дейилади.

Уфқнинг тўртта томони бор: шимол, жануб, ғарб, шарқ. Уларни **Ш**, **Ж**, **Ғ**, **Ш** ҳарфлари билан белгилаш қабул қилинган.



Сиз аввал ҳам бу сўзларни эшитганмисиз? Уфқнинг томонлари ҳақида нимларни биласиз?



Уфқнинг томонларини нима учун билиш керак?
Қандай касб әгалари уфқнинг томонларини
билишлари зарур?

Уфқнинг томонларини қандай аниқлаш мумкин?

Ориентир олиш – бу ўз турган жойини уфқнинг томонларига нисбатан аниқлашдир. Маҳаллий белгилар (ориентирлар) бўйича ҳам ориентир олиш мумкин. Уфқнинг томонларини маҳаллий белгилар ёрдамида аниқлаш мумкин.



Шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам адашиш мумкин. Маҳаллий белгилар сизга йўлдан адашмасликка ёрдам беради. Уй томонга йўлдан жойга ориентир олиш учун маҳаллий белгиларни топинг. Шимол ва жануб қаерда эканлигини аниқланг.




Уфқнинг томонларини бирданига бир неча маҳаллий белгиларга қараб топиш керак. Энг ишончли ёрдамчи – бу компас.

Компас – уфқынинг томонларини аниқлаш учун асбоб.

Компас ёрдамида ориентир олишни билиш айниқса денгизчиларга зарур.

Нима сабабдан денгизчи маҳаллий белгиларга қараб ориентир ололмайди?



Яна ким ва нима учун компасдан фойдаланади?

Менинг қадрдон үлкам



Билиб оламиз:

– кичик ватан нима эканлиини.

Үрганамиз:

- ўз манзилимизни айтишни;
- ўз қишлоғимизнинг (шаҳримиз) кўчалари ва унутилмас жойларини таърифлашни.

Калит сўзлар:

кичик ватан

Мақолда айтилади: “Ватансиз одам куйсиз булбул кабидир”.



Бу мақолнинг маъносини тушунтиринг.
Нима сабабдан Ватан ҳар бир одамнинг юрагига йўл ҳисобланади?



Бизнинг катта Ватанимиз – Қозоғистон Республикаси. Биз бу ерда туғилдик ва яшаяпмиз. Бизнинг мамлакатимиз жуда катта. Унда күп шаҳар ва қишлоқлар бор. Қозоғистоннинг пойтахти – Нур-Султан шаҳри.



Харитадан Ватанимиз пойтахти – Нур-Султан шаҳрини топинг.

Сиз қайси шаҳар ёки қишлоқда яшайсиз?

Бу аҳоли пункти Қозоғистоннинг қайси вилоятида жойлашган?

Харитадан ўз вилоятингизни (шаҳар) топинг.

Сиз туғилған, ўсаётған ва ўқиётған жой кичик ватан дейилади. Бу шаҳар, овул ёки қишлоқ. Бу ерда сизнинг уйингиз бор, севимли дўстларингиз, қариндошларингиз, қўшниларингиз яшайдилар. Ватанимизнинг ҳар қайси бурчагида турли этносларнинг вакиллари яшайдилар. Булар қозоқлар, руслар, ўзбеклар, украинлар, татарлар ва бошқалар. Биз ҳаммамиз биргаликда – қозоғистонликмиз. Биз тинчлик ва аҳилликда яшашимиз керак. Шунда ҳамма баҳтли бўлади!



Ҳар бир бола ўз кичик ватанинг тарихини билиши керак. Бу ерда қандай муҳим воқеалар содир бўлган, қандай одамлар яшаган ва ўз ўлкасининг шуҳратини ёйғанлигини билишлари керак.

Ҳар бир одам ўз уй манзилига эга. Унда у яшаётган вилоят (шахар, қишлоқ), кўча, уй ва хонадоннинг рақамлари кўрсатилган бўлади.



Нима учун ўзи яшаётган манзилни билиш кераклиги ҳақида партадошингиз билан фикрлашинг. Сиз ўз уй манзилингизни эслайсизми?



Ўз кичик ватанингиз ҳақида фото тақдимот тайёрланг.



Шаҳар ёки қишлоғингизни таърифланг. Бунинг учун саволларга жавоб беринг.

Шаҳар (қишлоқ) қачон пайдо бўлган?

Бош кўча қандай аталади?

У қандай кўринишда?

Унда қандай бинолар жойлашган?

Қишлоғингизда (шахар) қандай эсда қоларли жойлар бор?



Ота-онангиздан сизнинг уйингиз жойлашган кўча нима сабабдан шундай номланганини билиб олинг.



Ватанга бўлган муҳаббат ўз кичик ватанингизга бўлган муҳаббатдан бошланишини исботлашга ҳаракат қилинг.



Сизнинг аҳоли пунктингизда қайси этнос ва киллари яшашини билиб олинг.



14-дарс

Калит сўзлар:
йил фасллари

Йил фасллари

Билиб оламиз:

– йил фасллари нима эканлигини.

Ўрганамиз:

– йил фаслларининг алмашиниши билан рўй берадиган ўзгаришларни аниқлашни.



Расмларни кўриб чиқинг
Қандай йил фасллари бўлишини айтинг.
Ҳар сафар йил фасллари кириб келганида нимани
кузатиш мумкин? Йил фаслларининг алмашини-
ши билан одамларнинг ҳаёти қандай ўзгаради?

Табиатда доимо ўзгаришлар бўлиб турди.
Куз, қиш, баҳор, ёз – йилнинг тўрт фасли.
Улар бир бирларини алмаштиришади.
Одамларнинг ҳаёти йил фаслларининг алмashi-
нишига боғлиқ.



Расмларни кўриб чиқинг. Болалар нима билан шуғулланишяпти?
Бу ўйинларни йилнинг қайси фаслида ўйнаш мумкин?

Йилнинг турли фаслларида болалар билан яна қандай ўйинлар ўйнаш мумкин?



Йилнинг турли фаслларида сиз ўз бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?

Бўш пайт – бу бўш вақт.



Табиатдаги бўш пайт йилнинг ҳар қандай фаслида қувонч келтиради ва соғликни мустаҳкамлади.

Интернетдан кўчадаги қишки бўш пайт ҳақида маълумот топинг.

Бунинг учун:

- 1) Интернетни очинг;
- 2) қидириш ойнасида сўроқ ёзинг: “Кўчадаги қишки ўйинлар”.

Расмлардан бошқа болаларнинг бўш пайтларини қандай ўтказишларини аниқланг.



15-дарс

Калит сўзлар:
об-ҳаво



Деразадан қаранг. Бугун қанақа об-ҳаво? Об-ҳаво нима? Об-ҳаво доимий бўлиши мумкинми?

Билиб оламиз:

– об-ҳаво нима эканлигини.

Ўрганамиз:


– об-ҳавонинг одамлар ҳаётига қандай таъсир қилишини аниқлашни.




Об-ҳаво – муайян жойда муайян вақтдаги ҳавонинг ҳолати.

Об-ҳавони тавсифлаш учун осмондаги булутларни, шамолни, ёғинларни, ҳаво ҳароратини узатиш керак.


Олимлар доимо об-ҳавони кузатадилар. Улар алоҳида белгилардан фойдаланишади. Мана уларнинг баъзилари. Осмоннинг ҳолатини эслаб қолинг.




очиқ




ўзгарувчан



булутли



ёмғир



қор



Расмларни кўриб чиқинг. Одамларнинг касбларини айтинг. Уларнинг қайси бирига эртанги, яқин ҳафталардаги об-ҳавони билиши муҳим? Об-ҳавони билиш нима учун керак?



Тажрибангиз ва кузатишларингиздан келиб чиқиб саволларга жавоб беринг.

Кун давомида об-ҳаво ўзгарадими? Йил фаслларининг алмашиниши билан об-ҳаво ўзгарадими? Нима сабабдан? Об-ҳаво маълумотини қаердан билиш мумкин? Об-ҳаво одамларнинг ҳаётига қандай таъсир қиласди?



Расмларни кўриб чиқинг. Бундай об-ҳавода қандай кийим кийиш кераклигини ўйлаб кўринг. Нима учун?



Об-ҳаво маълумоти ҳақидаги билимингиз қачон сизга ёрдам берганини айтиб беринг. Ўз яшаш жойингиздаги об-ҳаво ҳолатини кузатинг.



Бу қизиқ

Маълум бўлишича, об-ҳавони олдиндан билишга табиатнинг ўзи ёрдам берар экан. Масалан, булутлар баландда сузишса – яхши об-ҳаводан, қарғалар қумда чўмилишса – ёмғирдан дарак экан.

«АТРОФИМИЗДАГИ ОЛАМ» мавзусини ўрганишда,

БИЛИБ ОЛДИК:

- уфқнинг нима эканлигини;
- кичик ватан нима эканлигини;
- йил фаслларининг нима эканлигини;
- об-ҳавонинг нима эканлигини.

БИЗ ЎРГАНДИК:

- маҳаллий белгиларга қараб уфқнинг томонлари-ни аниқлашни;
- манзилимизни айтишни;
- ўз шаҳримизнинг кўчалари ва унутилмас жойларини таърифлашни;
- об-ҳавонинг одамлар ҳаётига таъсирини аниқлаш-ни.

САВОЛЛАРГА ЖАВОБ БЕРИНГ

Нима учун ориентир олишни билиш муҳим?

Кичик ватан нимани англатади?

Йил фасллари одамларнинг ҳаётига қандай таъсир қиласди?

Об-ҳавони билиш нима учун керак?



5-мавзу. САЁХАТ

БИЗ:

- энг қадимги одамлар ҳозирги одамлардан нимаси билан фарқ қилишини қиёслаймиз;
- бизнинг аждодларимиз – саклар қандай яшаганлари ва нима билан шуғулланганларини билиб оламиз;
- малика Тўмариснинг номи нима сабабдан тарихга кирганлигини муҳокама қиласиз;
- одамлар нима сабабдан саёҳатга чиқишлирини аниқлаштирамиз;
- Ватанимиз пойтахти – Нур-Султанга экскурсия қиласиз.



16-дарс

Калит сўзлар:
ов
йиғиш-териш
чоппер

Энг қадимги одамлар қандай бўлишган ва қандай яшашган?

Билиб оламиз:

- энг қадимги одамлар нима билан шуғулланганларини.

Ўрганамиз:

- энг қадимги одамлар ва ҳозирги одамларнинг ташқи қиёфаси ва машғулотини қиёслашни.



Расмларни кўриб чиқинг. Энг қадимги одамларнинг қиёфасини тавсифланг. Улар замонамиз одамларидан нимаси билан фарқ қиласдилар?



Энг қадимги одамлар




Ҳозирги одамлар


Энг қадимги одамлар Ерда анча илгари Африкада пайдо бўлганлар. Улар тошдан меҳнат қуролларини ясашни билганлар. Одамнинг биринчи меҳнат қуроли – чоппер.

У пайтларда иқлим иссиқ ва нам бўлган. Одамни бой ўсимликлар дунёси ўраб турган, кўп жониворлар бўлган.

Энг қадимги одамлар йиғиш-териши билан шуғуланишган. Аёллар ва болалар дараҳтлардан меваларни терганлар, ейишга яроқли илдизларни кавлаганлар. Лекин одамларга гүшт ҳам керак эди. Уни эркаклар овда топганлар. Овчиларнинг асосий ўлжаси мамонтлар бўлган.



Йиғиш –териши



Мамонт



Чоппер



Расмларни кўриб чиқинг. Ёлғиз ҳолда мамонтни енгаш мумкин эдими? Тасаввур қилинг, энг қадимги овчилар ўзлари мамонтни қандай овлай олардилар.



Нима деб ўйлайсиз, чоппер ёрдамида қандай ишни бажариш мумкин эди?



Энг қадимги одамлар манзили тасвиrlenган расмни кўриб чиқинг (52-бетда). Нима кўраётганингизни айтиб беринг. Энг қадимги одамларнинг машғулотини таърифланг.



Ов ва йиғиш-териши каби машғулотлар бизнинг кунимизгача сақланиб қолганми? Мисоллар келтиринг.



17-дарс

Калит сўзлар:

кўчманчи
аждод
саклар



Изоҳланг, «аждод» сўзини қандай тушунасиз?

Анча йиллар илгари Қозоғистон ҳудудида сак қабилалари яшаганлар. Улар бизнинг узоқ аждодларимиздир. Саклар Қора денгиздан Алтай тоғларигача жойлашганлар.



Харитадан сак қабилалари яшаган ҳудудни кўрсатинг.



Баъзи сак қабилалари қўчманчи бўлишган. Улар молларни янги ўтлоққа ҳайдаб жойдан жойга кўчиб юрганлар. Қўчманчи сакларнинг турар жойлари ўтов бўлган.



Расмларни кўриб чиқинг ва саволларга жавоб беринг:

1. Саклар қандай мол турларини боқишишган?
2. Бу мол турлари одамларга қандай фойда келтирган?
3. Одамлар отлар ва туялардан қандай мазали ва шифобаҳш ичимликларни олганлар?
4. Бизнинг ажододларимиз транспортнинг қандай турларидан фойдаланишган?

Сирдарё бўйларида саклар дехқончилик билан шуғулланишган. Улар жавдар, буғдой, тариқ етиширишган. Лой ва дараҳтдан ўзларига уйлар қуришган.



Меҳнат қуроллари, ов қуроллари, безаклар тайёрлашда саклар алоҳида санъатга эришганлар. Ҳозиргача сак заргарларининг нафис тилла буюмларидан ҳайратланамиз. Улар ҳайвонлар тасвири аралаш услубда ясалган.



Сак заргарлари ясаган буюмлар

Расмларни кўриб чиқинг. Нима учун сакларнинг санъатдаги услуби ҳайвонлар тасвири аралаш деб ном олганини тушуниринг.



Саклар Ватанини севишган ва уни душманлардан мардона ҳимоя қилишган. Саклар болаларини кичкиналигидаңоқ әгарда үтириш, ёйдан отишга үргатишган.



Расм бўйича сакларнинг қуролларини тавсифланг.

Таянч сўзлар: ёй ва ўқлар, акинак, енгил отлик, учли қалпоқ, оғир яроғ-аслаҳалари бўлмаган. Ўқинг ва гапларда нима ҳақида айтилаётганини тушунтиринг.

Саклар дунёда биринчилардан бўлиб елиб бораётган от устида ёйдан отишни үрганишган. Улар ёйдан ҳамма томонга иккала қўлда ҳам бирдай кучли отишган.



Партадошингиз билан жуфтликда замонавий ўқувчининг сак манзилгоҳидаги тенгдоши билан диалогини тузинг ва ижро этинг.

Саклар маликаси Тўмарис

Билиб оламиз:

– малика Тўмарис ҳақида.

Ўрганамиз:

– манбаларни ўрганиш асосида
Тўмарис ҳақида гапириб беришни.



18 дарс

Калит сўзлар:

жанг




Малика Тўмарис ҳақида сизга нима маълум?

Тарихда Тўмарис – саклар маликасининг номи сақлаб қолинган. У ҳақда биз тарихчи Геродотнинг асарларидан билиб оламиз. Малика яхши жангчи бўлган. У беш ёшидан отда минишга қизиққан. Болалигидан қилич ишлатишни ўрганган.

Манбаларни ўрганамиз

Геродот ёзди: “Форс шоҳи Кир кўп мамлакатларни босиб олди. Уни “Осиё ҳукмдори” дейишиган. Кир сакларнинг ерини эгаллаб олишга қарор қилади. У Буюк даштга юришга отланади”.



Форс шоҳи Кир



Нима деб ўйлайсиз, нима сабабдан Кир ўз ғалабасига қаттиқ ишонган эди?

Геродотнинг айтишича, форсларга қарши малика Тўмарис бошчилигига сак қўшини юришга чиқди.

Шафқатсиз жангда Кир қўшини тор-мор этилди. Шу тариқа саклар ерларини сақлаб қолдилар ва Ватанини душмандан ҳимоя қилдилар.

Саклар қандай сабабларга кўра форсларни енгганларини тушунтирувчи учта гап келтиринг.



Саклар қандай сабабларга кўра форсларни енгганларини тушунтирувчи учта гап келтиринг.



Саклар
маликаси
Тўмарис

Таянч сўзлар: катта қўшин, қурол, қалқонлар, қилич-акинаклар, ўқлар билан ёй, учли қалпоқлар, Тўмарис қизил рангли кийимда ва байрамона олтин камзулда.

Расм бўйича Тўмарис ва саклар қўшинини таърифланг.



Интервью ўтказинг. Сиз форслар билан жангдан олдин ва жангдан кейин нима ҳақида сўраган бўлардингиз?



Малика Тўмариснинг қайси жиҳатлари сизга ёқди?



«Тўмарис» мавзусида синквейн тузинг.

Нима учун одамлар саёҳат қилишади?

Билиб оламиз:

– туризм нима эканлигини.

Үрганамиз:

– туризм мақсадларининг харитасини тузишни.



19-дарс

Калит сўзлар: саёҳат экскурсия туризм



Сизга турист бўлишга тўғри келганми? Агар шундай бўлса, қаерда бўлганингизни синфдошларингиз билан бўлишинг.

«Туризм» сўзи француз тилидаги тур – “саёҳат” сўзидан келиб чиққан.

Туризм – бу одамларнинг бошқа мамлакатга ёки жойга саёҳати. Туризмнинг асосий мақсади соғломлаштириш, дам олиш, спорт билан шуғулланиш, янги ва қизиқарли нарсалар билан танишиш. Туризм соғлом турмуш тарзига имкон беради. Сафар ва саёҳат пайтида одамлар кўпгина қизиқарли нарсаларни билиб олишади.

Туризм – дам олишнинг энг яхши турларидан бири. Биз ҳордиқ чиқаришимизни қадрдан ўлкамизга саёҳат билан бошлаймиз.





Гурӯҳларда муҳокама қилинг:

- сафарга нимада йўлга чиқиш мумкин;
- қаерга жўнаш мумкин;
- сафарда нималар керак бўлади;
- туристга қандай кийимлар керак;
- сафарда қандай қоидаларга риоя қилиш керак.

Одамлар саёҳатга турли мақсадларда боришади.

Шунинг учун туризмнинг қўйидаги турларини ажратиб кўрсатишиади: соғломлаштириш, танишиш, спорт.

Туризмнинг қайси тури ҳақида гап кетаётганлигини аниқланг.

Анвар опаси билан Нур-Султанга саёҳатга борди.

Темур дўстлари билан велосипед саёҳатига жўнади.

Ёзги таътил вақтида Марям бувиси билан даволаниш учун “Сариағаш” сиҳатгоҳига борди.



Партадошингиз билан жуфтликда “Қандай саёҳат ёки экспурсия ҳақида орзу қиласиз? Нима учун” мавзусида диалог тузинг ва ижро этинг.

Нур-Султан – Қозоғистон пойтахти

Танишамиз:

– Нур-Султандаги эсда қоларлы жойлари билан.

Үрганамиз:

– Қозоғистон пойтахти ҳақидаги ижодий ишларни тақдим қилишни.



Ватанимиз пойтахти – Нур-Султан ҳақида нималарни биласиз?



Ватанимиз пойтахти – Нур-Султан шаҳри ҳисобланади. У Есиль дарёси қирғоқлари бўйлаб ёйилиб жойлашган.

Пойтахт рамзи “Байтерек” ҳайкали ҳисобланади. Шакли бўйича у дарахт тепасидаги шох-шаббалар устида жойлашган олтин қуёшга ўхшайди.

Афсоналарга кўра Дунё дарёсининг қирғоғида Ҳаёт дарахти – Байтерек ўсар экан. Унинг илдизи ерни ушлаб турад экан, тепадаги шох-шаббалар эса осмонни тираб турад экан. Иилда бир марта муқаддас қуш – Семурғ учиб келар экан. У Ҳаёт дарахтининг шох-шаббалари устига тухумини – Қуёшни қўяркан. Қуёшни Дарахт остида яшовчи катта аждарҳо Айдаҳар еб қўяркан. Афсона йил фаслларининг алмашинишини ва Эзгуликнинг Ёвуздик билан курашини шундай тушунтирас экан.

Пойтахтда ўзгача шаклда кўплаб чиройли бинолар қурилган. Тинчлик ва Тотувлик саройи пирамида шаклида.

Дунёning машҳур пирамидалари Тотувлик саройи қайси мамлакатда жойлашган?



20-дарс

Калит сўзлар:
пойтахт



Тинчлик ва

Хан Шатир (“Хон чодири”) биноси гигант шаффоф чодирни ўзида акс эттиради.

Интернетдан Хан Шатир биносида нима борлигини билиб олинг.



Хан Шатир



“Думан”
океанариумида

“Думан” кўнгилочар марказида океанариум жойлашган. Бу ерда денгиз ва океанда яшовчи жониворлар бор. Булар денгиз юлдузлари, наҳанглар, денгиз отлари, ёрқин балиқчалар.

Пойтахтда чиройли боғлар, бульварлар, фаворалар кўп. Нур-Султан йилдан йилга чирой очиб бормоқда. 1999 йилда Қозоғистон пойтахтига “Тинчлик шаҳри” деган шарафли унвон берилди. Бу унвон сайёрадаги янги шаҳарларга ривожланишидаги улкан ютуқлари учун берилади.



Партадошингиз билан Ватанимиз пойтахти бўйлаб “виртуал” экспурсия уюстиринг. Бир бирингизга галма-галдан Нур-Султанинг эътиборга лойик жойларини тавсифланг.



Гуруҳларда ишлаб, Қозоғистон пойтахти тўғрисида ижодий ишлар – расмлар, шеърлар, қўшиқлар яратинг.

«САЁХАТ» мавзусини ўрганиб,

БИЛИБ ОЛДИК:

- энг қадимги одамлар ҳозирги одамлардан нимаси билан фарқ қилишини;
- бизнинг аждодларимиз – саклар қандай яшаганлари ва нима билан шуғулланганларини;
- малика Тўмариснинг номи нима сабабдан тарихга кирганлигини;
- одамлар нима сабабдан саёҳатга чиқишлирини.

БИЗ ЎРГАНДИК:

- сакларнинг ҳаёт тарзини тавсифлашни;
- малика Тўмарис ҳақида гапириб беришни;
- туризм мақсадлари харитасини тузишни;
- Ватанимиз пойтахти – Нур-Султан ҳақида ижодий ишлар бажаришни.


ТОПШИРИҚНИ БАЖАРИНГ

1. Расм асосида кичик ҳикоя тузинг.

Таянч сўзлар: ов, ғор, меҳнат, чоппер, найза, мамонт.



2. Маълумки, энг қадимги одамлар сонлар билан бармоқларда санаши билганлар. Улар оддий арифметик ҳаракатларни билганлар. Нима деб ўйлайсиз, уларга кўпроқ нима қилишга тўғри келган: қўшишгами ёки айиришгами? Мисоллар билан исботланг.
3. Ребусларни ечинг. Жавоблар ўзаро қандай боғланган? Уларга иккитадан мисол топинг.



6-мавзу. АНЪАНАЛАР ВА ФОЛЬКЛОР

БИЗ:

- қандай давлат мустақил ҳисобланишини билиб оламиз;
- Қозоғистоннинг Байроқ ва Гербини таниб олишни ўрганамиз;
- Қозоғистон ҳудидаги қадимги ёзув ҳақида ҳикоя қиласамиз;
- қадимги маданият ёдгорлиги – Олтин одам билан танишамиз.





21-дарс

Калит сўзлар:
мустақиллик
Конституция
валюта



«Мустақил давлат» сўзлари билан гап тузинг.

Независимый Казахстан

Билиб оламиз:

– мустақил давлатнинг белгиларини.

Үрганамиз:

– мустақил Қозоғистон түғрисида кластер тузишни.


1991 йил 16 декабрда Қозоғистон мустақил давлатга айланди.

Мустақил давлат ўз ҳудуди, доимий аҳолиси, президенти ва ҳукуматига эга бўлади. Бошқа давлатларга қарам бўлмайди, мустақил бўлади.

Мустақил давлат ўзининг давлат рамзларига, Конституциясига, пойтактига, валютасига эга бўлади.

1992 йил 4 июнда Қозоғистоннинг янги давлат рамзлари – Герби, Байроғи, Мадҳияси қабул қилинди.

1995 йил 30 августда давлатимизнинг Асосий қонуни – Конституция қабул қилинди. Конституцияда Қозоғистон фуқароларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилган.





Мамлакатимизнинг пойтахти
Нур-Султан шаҳридир.

1993 йил 15 ноябрда
Қозоғистоннинг миллий
валютаси тенге бўлди.



Мустақил Қозоғистоннинг
Биринчи Президенти
Нурсултан Назарбаевдир.
Қозоғистон Республикасининг
амалдаги Президенти –
Қасим-Жомарт Тоқаев.



Тасаввур қилинг, сизнига қўшни давлатдан дўстларингиз келишди. Улар “Мустақил Қозоғистон” тушунчаси нимани англатишини тушунтириб беришингизни илтимос қилишди. Сиз бу саволга қандай жавоб берасиз?



Дарслиқдаги расмлар ва матндан фойдаланиб, Мустақил Қозоғистон тўғрисида кластер тузинг.

Кластерни қандай тузиш керак. Қоғоз варағининг ўртасига «Мустақил Қозоғистон» мавзусини ёзинг. Мавзудан нурлар ўтказинг ва нурларнинг охиридаги доирачалар ичига мавзу бўйича муҳим тушунчаларни ёзинг.



22-дарс

Калит сўзлар:

Рамз Герб
Байроқ Мадҳия



«Рамз» сўзини сиз қандай тушунасиз? Бу сўз иштирокида гап ўйлаб топинг.

Бугунги кунда дунёда 200га яқин давлат бор. Уларнинг ҳар бири бир биридан фарқ қилувчи ўз давлат рамзларига эга. Байроқ, Герб, Мадҳия Қозоғистон Республикасида ҳам бор. Улар бизнинг тарихимиз ва маданиятимизни акс эттиради ва бутун халқни жипслаштиради. Рамзларимизни кўриб чиқамиз.



Қозоғистон Герби доира шаклига эга. Доиранинг ўртасида шанирақ – мамлакатда яшаётган барча этнолар учун умумий уй ва ягона Ватан рамзи. Шанирақнинг икки томонида афсонавий отлар (тулпорлар) тасвирланган.

Ўйлаб кўринг, нима сабабдан Гербимизда шанирақ ва отлар тасвирланган.



Қозоғистоннинг Байроғи мовий рангда. Бу тинч осмоннинг белгиси. Байроқнинг марказида қуёш порлайди, унинг остида бургут парвоз қиласи. Байроқда миллий орнамент тасвирланган.

Сизнингча, чўл бургути ниманинг рамзий ишораси бўлиб хизмат қиласи?

Мамлакатимнинг давлат рамзлари

Билиб оламиз:

– давлат рамзлари нима эканлигини.

Үрганамиз:

– мамлакатимизнинг Байроқ, Герб, Мадҳиясини таниб олишни.

2006 йил 7 Январда Қозоғистон-нинг янги Мадҳияси қабул қилинди. “Менинг Қозоғистоним” қўшиғи унинг асоси бўлди.

Давлат Мадҳияси барча тантанали тадбирларда янграйди.

Гимниниз қайси ҳолатларда ижро этилишига мисоллар келтиринг.

Давлат рамзлари – бу давлатнинг бошқалардан ажратиб турувчи белгилари. Уларга катта ҳурмат билан қаралади.

Қонун бўйича республикамизнинг Давлат Гимни қандай эшишилади (куйланади)?

Қозоғистон – кўп миллатли давлат. У ерда 120та этнос вакиллари яшайдилар. Ҳар бир халқнинг вакиллари сўзлашадиган ўз тили бор.

Республикамизда Давлат тили қозоқ тили ҳисобланади.

Олдингизда дунё мамлакатларининг байроқлари. Уларнинг орасидан республикамиз

Байроғини топинг. Қайси белгиларига кўра топганлигинизни тушунтиринг.





Аниқлаймиз

Қозоғистон Республикаси Мадҳиясининг сатрларини аниқланг.

Қайда жүрсем ата мекен,
Көкейімде жатады екен...

Менің елім, менің елім,
Гүлің болып егілемін...

Туған жерім, туған елім
Ардақтағаным ай күнім...



Партадошингиз билан жуфтликда ишлаб, республикамиз Герби ҳақида сұхбат-диалог тузинг.



Ҳозирги кунда герб ва байроқлар нафақат давлаттарда, балки шаҳарларда ҳам мавжуд. Интернетдан үз шаҳрингиз (вилоятингиз) герби ва байроғини топинг. Улар қандай қўринишда? Уларни тасвиrlашга ҳаракат қилинг (ранги, элементлари ва уларнинг нимани англиши).

Қадимги ёзувлар



Билиб оламиз:

– Қозоғистон ҳудидаги қадимги ёзувни.

Мы обсудим:

– қадимги ёзувларни тасвирлашни.

23-дарс

Калит сўзлар:

маълумот
пиктография
ёзув



Яхшилаб ўйлаб кўринг. Нима деб ўйлайсиз, ёзув нима учун керак?

Одам бирданига ҳарфлар билан ёзишга ўрганган эмас. Аввалига одамлар расмли ёзув – пиктографияни ўйлаб топишиди. Улар бир бирларига маълумотларни расмлар орқали бериб туришиди. Расмлар ёрдамида улар бирор бир воқеа ҳақида ҳикоя қилдилар.



Хат муаллифи нима демоқчилигини топиб ўқинг.



Партадошингизга расмли хат ёзишга ҳаракат қилиб кўринг.

Сизнинг нима демоқчи эканлигингизни тўғри тушундими?

Нима деб ўйлайсиз, нима сабабдан одамлар расмли ёзувдан воз кечишган?

Одамлар белгилар билан, ундан кейингина ҳарфлар билан хат ёзишга ўрганганлар.

Қадимда лой тахтачаларга, дараҳт пўстлоқларига, тошларга, қофозга ва бошқа материалларга ёзганлар.



Лой тактана



Дарахт
пўстлоги



Tow



Лой тахтачадаги, қайин пўстлоғидаги, тошдаги ёзувларни кўриб чиқинг ва дарслигингиз билан солиширинг. Нима сабабдан одамлар қоғозни ёзув учун асосий материал қилиб танлаганликла-ри тўғрисида хулоса чиқаринг.

Бизнинг аждодларимиз – турклар ўз алифбалирини яратганлар. У 38та белгидан иборат бўлган.

Бизгача ўз ҳукмдорлари шарафига тоштахталарга ўйиб ёзилган туркий ёзувлар етиб келган.



Түрк ҳукмдори Билга хоқон шарафига үрнатылған ёдгорлик

Орхон-еисейские знаки	Звуковое произношение	Орхон-еисейские знаки	Звуковое произношение
↓↑Х	а з (с)	»ঠঠঠো	ম ম'
↑↑Х	ы । (e)	ঠ	হ
›>	о у	ନନନି	ନ' (ନ୍ୟ)
ନନନ	ଏ ଯ	ଶ	କ କ'
ଜଜଜ	ବ	ପପପୋ	ପ ପ'
ପପପ	ବ'	ପପ	ପ' (ପ୍ର)
କକକକ	ଫ	ଚଚକ	ର
ଫଫଫଳ	ଗ	ଚଚକ	ର'
ଶଶଶଶ	ଦ	ଚଚକ	ସ
X+⊗	ଦ'	-	ସ'
ତତତକ	ଢ	ଶଶଶଶ	ତ
ତତତ	ଢ'	ହହହହ	ତ'
ଯ୍ୟ୍ୟ୍ୟ୍ୟ	ଯ	ଲଲଲଲ	ଚ
ଯ୍ୟ୍ୟ୍ୟ୍ୟ	ଯ'	ଯଯଯକି	ଚ'
ନନନ	କ	ଯଯଯକି	ଶ
↓↑	କୋକୁକ	ଯକାକାଲ	ଶ'
▷▷	କୁକ	M	ଲତ, ଲ' ତ'
ଶଶଶ	କ	ଶଶଶଶ	ନତ, ନ' ତ'
କକକ	କୋକୁକ	ଶଶଶଶ	ନଚ, ନ' ଚ'
ଲଲଲ	ଲ	କାକାକାଲ	ପତ
ପପପ	ପ'	କାକାକାଲ	ପରାମାଣିକ

Қадимги түрк алифбоси



Ерда биринчи ёзув тахминан 5000 йил илгари пайдо бўлган. Лекин биз бундан анча илгари содир бўлган воқеаларни биламиз.

Нима деб ўйлайсиз, одамлар ёзув пайдо бўлишидан аввал қандай яшаганликларини олимлар қаердан билиб олишди?



Пиктографиянинг баъзи турлари ҳозирги кунда ҳам ишлатилади.

Масалан, йўл белгилари. Уларни кўриб чиқинг, уларнинг нима англатишини тушунтиринг.

Расмли ёзувлардан ҳозирги кунда ҳам фойдаланилаётганига мисоллар келтиринг.



Хатоларни тўғриланг.

Турк ёзувлари лой тахтачаларга ёзилган.

Ерда биринчи ёзув тахминан 3000 йил илгари пайдо бўлган.



Калит сўзлар: қўрғон



Тарихий ёдгорликлар ҳақида нима биласиз? Мисоллар келтиринг.

Тарихий ёдгорликлар – бу тарихий воқеалар билан боғлиқ бўлган бинолар, унутилмас жойлар ва предметлар.

Иссиқ қўрғони Қозоғистонда анча машҳур. Олимлар у ердан сак шахзодасининг қолдиқларини топишган. Уни Олтин одам деб номлашди. Шаҳзоданинг кийими ва қуролларидан кўплаб олтин безаклар топилди.



Иссиқ қўрғони

Йигитнинг бошида баланд бош кийим бўлган. Камзул ва этиги майда олтин безаклар билан қопланган. Жангчининг ёнида унинг қуроллари – қилич ва ханжари бўлган.

Олтин одамнинг либосида қоплон, архар, отлар ва қушларнинг тасвирлари бор. Саклар қурол ва кийимдаги ҳайвонларнинг образлари жангчини ҳимоя қилади деб ҳисоблаганлар.



Қор Қоплони



Архар



Олтин одам



Тасаввур қилинг, сиз – музейда экскурсия раҳбарисиз. Дарслиқдаги расм ва матн бўйича Олтин одамнинг либоси ва қурол-яроғини тавсифлаб беринг.

Таянч сўзлар: кўп олтин безаклар, баланд бош кийим, қилич ва ханжар, либосида қоплон, архар, отлар ва қушларнинг тасвирлари.



Нима деб ўйлайсиз, нима сабабдан сак заргари Олтин одамнинг либоси ва қуролини ҳайвонлар ва қушларнинг тасвирлари билан безатган?



Олтин одамнинг ёнида тубида 26та белгидан иборат ёзуви бор кумуш коса топилган. У ҳали ўқилмаган.

Экскурсия раҳбари – экскурсиялар ўтказадиган мутахассис. У – тарих, маданият ва географиянинг ажойиб билимдони. Жуда яхши ва чиройли гапиришни, одамлар билан яхши муомала қилишни билади.

25. ВАЗИФАЛАР КАЛЕЙДОСКОПИ

1. Таянч сўзлардан фойдаланиб, қадимги одамларнинг машғулотлари ҳақида ҳикоя тузинг..

Иссиқ иқлим, чоппер, ов, йиғиш-териши, ма-
монтлар.

2. Расмни кўриб чиқинг ва Тўмариснинг оғзаки пор-
третини тузинг.



3. Туризм мақсадларини расмлар билан мутаносиб-
лигини аниқланг.



Янгилик билан
танишиш



Хордиқ




Спорт билан
шуғулланиш



Соғлом-
лаштириш

4. Дўстга маслаҳат. Қаерга экскурсия ёки саёҳат қи-
лиш мумкинлиги тўғрисида партадошингизга малаҳат бе-
ринг. Нима учун айнан мана шу жойни тавсия қилаётга-
нингизни тушуниринг.

5. Расмларни күриб чиқинг. Нур-Султанда эътиборга лойиқ қандай жойлар борлигини аниқланг ва уларнинг номларини айтинг.



6. Жуфтликда ишлаб, ўйин-мусобақа ўтказинг, ким давлат мустақиллиги белгиларини кўпроқ айтади.

7. Дунё мамлакатлари герблари ичидан Қозоғистон Республикаси Гербини топинг. Буни қандай белгилар асосида бажарганлигингизни айтинг.



8. Ҳайвонлар тасвири аралаш услубда ясалган буюмни топинг. Қайси қабилаларда ҳайвонлар тасвири аралаш услуб тарқалган?



«АНЬАНАЛАР ВА ФОЛЬКЛОР» мавзусини ўрганиб,

БИЛИБ ОЛДИК:

- қандай давлат мустақил ҳисобланишини;
- давлат рамзларининг қандай бўлишини;
- қадимда одамлар қандай ва нимага ёзишганини;
- аждодларимиз ёзуви қандай кўринишда бўлганини;
- нима учун Иссик қўрғондаги топилма Олтин одам деб аталишини.

БИЗ ЎРГАНДИК:

- мустақил Қозоғистон ҳақида гапириб беришни;
- Қозоғистоннинг давлат рамзларини бошқа мамлакатларнинг рамзларидан ажратишни;
- қадимги ёзувни тасвирлашни;
- қадимги тарихий ёдгорлик – Олтин одамни тавсифлашни.



7-мавзу. ТАОМ ВА ИЧИМЛИКЛАР

БИЗ:

- бизнинг соғлигимизга қайси озиқ-овқат маҳсулотлари фойда келтиришини муҳокама қиласиз;
- қадимги одамларнинг озиқ-овқат рациони қандай ва нима сабабдан ўзгарганини билибомиз;
- одамлар нима учун савдо-сотик билан шуғуланишини аниқлаймиз;
- нима сабабдан одамларнинг ҳамма орзу-истаклари ҳам амалга ошавермаслигини тушуниширишни ўрганамиз.





26-дарс

Калит сўзлар:
озиқ-овкат

Менинг соғлигим. Мен қандай овқатланаман?

Билиб оламиз:

– овқатланиш режими нима эканлигини

Ўрганамиз:

– тўғри овқатланиш учун озиқ-овкат маҳсулотларини танлашни.

Сизнинг соғлигингиз, бўйингиз ўсиши учун овқатланиш жуда муҳим. Одамлар турли озиқ - овқат маҳсулотларини истеъмол қилишади. Улар шўрвалар, бўтқалар, салатлар, компот, нон тайёрлашади. Соғлом бўлиш учун сабзавотлар, мевалар, тухум, сут, балиқ, ёрмалар ейиш керак. Бу маҳсулотларда фойдали моддалар, витаминлар, минераллар бор. Мунтазам ейиш керак.

Расмларни кўриб чиқинг. Унда Анвар эрталаб, кундузи ва кечга ейдиган нарсалар тасвирланган.



нонушта



тушлик



иккинчи тушлик



кечки овқат

Одамлар нонушта, тушлик, иккинчи тушлик ва кечки овқатга нима ейишини айтиб беринг.

Жадвални кўриб чиқинг. Бу маҳсулотларнинг барчаси фойдали моддалар, витаминларга бой. Бу маҳсулотлар одамнинг соғлигига қандай таъсир қилишини аниқланг. Бу маҳсулотлардан қандай таомлар тайёрланишини айтинг. Жадвални тўлдиринг.

Маҳсулотларнинг одам соғлигига таъсири ҳақида холоса қилинг.

Маҳсулотлар	Нимага таъсир қиласди?	Нима тайёрлаш мумкин?
	Кўриш қобилиятини мустаҳкамлайди	
	Юрак фаолиятини мустаҳкамлайди, тишларга ёрдам беради	
	Суяклар ва тишларни мустаҳкамлайди	
	Суякларни, тишларни ва юракни мустаҳкамлайди. Терини яхшилайди.	

Меню – овқатланиш учун таомлар ва ичимликлар рўйхати.

Қаранг, Асал қандай овқатланади. Қизга қандай маслаҳат берган бўлардингиз?



нонушта



тушлик



иккинчи тушлик



кечки овқат



Кун давомида нималар билан овқатланишингизни, қанақа фойдали маҳсулотларни ейишингизни синфдошларингиз билан муҳокама қилинг.

Бирданига кўп ейиш мумкинми? Нима учун?

Овқатланиш режими – таом истеъмол қилиш тартиби.



Мактаб ошхонасидаги менюни ўрганинг.

Катталардан таомлар ва ичимликларнинг фойдаси ҳақида сўраб билинг.

Тўғри овқатланиш ҳақидаги маълумотни расмли меню кўринишида тақдим қилинг.

Ёдда туting

Қоидага риоя қилинг!

Овқатланишдан аввал қўлингизни ювинг!

Хом сабзавот ва меваларни ейишдан аввал яхшилаб ювинг.

Ортиқча еманг.

Янги овқатни бир хил вақтда енг.

Турли хил таомлар сизга соғлигингизни сақлаш ва мустаҳкамлашга ёрдам беради.



Қадимги одамларнинг ҳаёти қандай ўзгарган?

Билиб оламиз:

– қадимги одамларнинг озиқ-овқат рациони қандай ва нима сабабдан ўзгарганини.

Ўрганамиз:

– қадимги одамнинг менюсини тузишни.



урок 27

Калит сўзлар:

ёй

ўқлар



Энг қадимги одамлар нималар билан овқатла-нишганини эсланг.

Улар ўзларига овқатни қандай тайёрлашган?

Аввалига энг қадимги одамлар хом овқат еганлар.

Оловда овқат пиширишни улар бирданига ўрганиб олишмаган. Оловни ўзлаштиришда уларга табиий ҳодисаларни кузатиш ёрдам берди.

Момақалдироқ пайтида яшин уришидан қуруқ дарахтлар ёниб кетди. Ёнғин бошланди. Одамлар оловдан ёниб турган тарашаларни олдилар ва гулхан ёқдилар. Куну тун улар олов учиб қолмаслиги учун гулханни қўриқладилар. Оловни иўқотиш одамларнинг ҳалокатини англатар эди. Нима деб ўйлайсиз, нима учун?

*Расмда сиз қандай табиат ҳодисасини кўряпсиз?
Уни таърифланг.*





Оловни кашф қилиш одамларга нима берганини чизма асосида тушунтиринг.



Одамларнинг ўзлари олов чиқаришни билиб олгунларича кўп вақт ўтган.



Расмларни кўриб чиқинг ва одамлар олов чиқаришнинг қандай усулларини ўйлаб топганларини айтинг.



Одам оловни кашф қилди ва бу унинг овқатланиш рационини ўзгартирди. Пиширилган гўшт хомидан кўра анча ширин эди. Вақтлар ўтиши билан одамлар оловда сопол идишларни пиширишни ўргандилар. У чидамли бўлди, сув ўtkазмади. Бундай идишда гулханда суюқ таом тайёрлаш қулай эди.



Асрлар ўтди. Музликлар эриганидан сўнг Ерда кўплаб дарё ва кўллар пайдо бўлди.

Бу қадимги одамнинг менюсига қандай таъсир қилди?

Ерда кунлар исиганидан кейин мамонтлар қирилиб кетишиди. Тез югурадиган ҳайвонлар – кийиклар, сайгаклар қолишиди. Улар овчиларни кўрганда қочиб кетишарди. Ана шунда одамлар ёй ва ўқларни ихтиро қилишиди. Бу уларга майда ҳайвонлар ва қушларни овлаш имконини берди.



Расмни кўриб чиқинг. Қадимги одамлар яна нималарни овлашганини тахмин қилинг.



Одамлар нима учун кашфиёт ва ихтиrolар қилишган?

Бу одамларнинг ҳаётини қандай ўзгартиради?



Қадимги одамларнинг озиқ-овқат рациони қандай ўзгарди?

Қандай янги маҳсулотлар пайдо бўлди? Овқат тайёрлаш технологиясида нима ўзгарди?



Қадимги одамларнинг – овчилар ва йиғиб тेरувчиларнинг менюсини тузинг. Унга аёллар ва ўсмиirlар томонидан терилган мевалар ва илдизларни киритишни ҳам унутманг.



28-дарс

Калит сўзлар:

товар
пуллар

Одамлар ҳамма вақт ҳам савдо қилишганми?

Билиб оламиз:

– пуллар нима сабабдан пайдо бўлганини.

Ўрганамиз:

– савдо-сотиқнинг қандай пайдо бўлганини тушунтиришни.



Одамга ҳаётда нима керак?

Қадимги даврларда одамлар ўзларига керак бўлган ҳамма нарсаларни етиштирганлар ёки ўзлари ясаганлар.



Расм асосида одамларнинг нима тайёрлаётганлари ёки етиштираётганлари ҳақида ҳикоя қилинг.

Вақтлар ўтиб одамлар ўз маҳсулотлари ва ҳосилларини алмаштира бошладилар.




Товар айирбошлиш шундай келиб чиқди.

Товар – алмаштириш ёки сотиш учун ишлаб чиқариладиган маҳсулот.

Лекин товарни товарга тўғридан тўғри алмаштиришнинг ҳамма вақт ҳам имкони бўлмаган.

Расмларни кўриб чиқинг ва нима учунлигини тушунтиринг.




Нима деб ўйлайсиз, товар айирбошлаш рўй берадими?

Вазиятдан чиқишининг қандай йўлини таклиф қиласиз?

Шундай товар топиш керак эдики, уни бошқа ҳамма товарларга алмаштириш мумкин бўлсин. Бундай товар пуллар бўлди. Турли халқларда пул ўрнида чиғаноқлар, мўйна, туз, қорамол ишлатилган. Кўп ўтмай одамлар пул сифатида олтин ва кумуш қўймалар ва тангаларни танлашди.

Нима сабабдан олтин ва кумуш узоқ вақт давомида пул ўрнида ишлатилди?



Чизма бўйича савдо-сотик: товар сотиб олиш ва товар сотиш қандай бўлишини тушунтиринг.

Кейинчалик одамлар айирбошлиш учун қоғоз пуллар ва металл тангаларни ишлата бошладилар. Ҳозирги кунда қоғоз пуллар билан бир қаторда электрон пуллардан ҳам фойдаланилади.



Нима деб ўйлайсиз, металл пулларни қиёслаганда қоғоз ва электрон пулларнинг қандай афзаллиги бор?



Бир ҳафта давомида кузатиб кўринг, ота-онангиз қандай ҳолларда пластик карталар билан, қайси ҳолларда эса нақд пул билан ҳисоб-китоб қилишади. Кузатувларингиз натижасини жадвал кўринишида тақдим қилинг.

Бизнинг эҳтиёжларимиз ва имкониятларимиз

Мы обсудим:

– эҳтиёжнинг нима эканлигини.

Мы выясним:

– вбарча хоҳиш-истакларимизни амалга ошириб бўлиш-бўлмаслигини.



Ҳар бир одамга ҳар куни четлаб ўтиш қийин бўлган кўп нарсалар керак бўлади. Бу нарсаларнинг номларини айтинг.

Эҳтиёж – бу бирор нарсанинг зарурлиги, нимагадир муҳтоҷ бўлиш

Одамлар озиқ –овқатга, кийимга, оёқ кийимиға, турар жойга ва кўп нарсаларга эҳтиёж сезишади.



Расмларда берилган предметлардан қайсиниси сизга зарур ва нима учунлигини аниқланг.



Тасаввур қилинг, олдингизга сеҳргар келди ва ҳар қандай истагингизни бажаришни таклиф қилди. Узингизда бўлишини хоҳлаган 10та буюмнинг номини ёзинг.



29-дарс

Калит сўзлар:
эҳтиёжлар
ресурслар

Сиз одамларнинг эҳтиёжлари чегара билмаслиги-га ишонч ҳосил қилдингиз. Лекин ресурслар чек-чегарасиз эмас.

Ресурслар – пул маблағлари, қимматбаҳо нарсалар, захиралар, даромадлар.

Ҳар биримиз кўпинча танлов олдида турамиз: нимани сотиб олиш, нимадан эса воз кечиш керак.



Нима деб ўйлайсиз, бу нарсаларнинг ҳаммасини сотиб олишга боланинг пули етадими? Нима учунлигини тушунтиринг.



Барча ресурслар чек-чегарасиз эмас. Сиз ҳамма нарсага эга бўла олмайсиз!



Бизнинг оламда ресурслар чегараланган. Одамлар доим танлов қиласидилар. Бир нарсани сотиб олаётганда, одам кўпинча бошқа бирор нарсадан воз кечади. Ўртоқларингиз билан нарса сотиб олаётгандаги танловга боғлиқ бўлган ҳётий бир вазиятни ўйнаб кўрсатинг.



Интервью ўтказинг. Уйда катталардан бу нарсаларни сотиб олиш ва пулини тўлашга маблағ қаердан олинишини билиб олинг.

«ТАОМ ВА ИЧИМЛИКЛАР» мавзуси- ни ўрганишда,

БИЛИБ ОЛДИК:

- бизнинг соғлигимизга қайси озиқ-овқат маҳсулотлари фойда келтиришини;
- қадимги одамларнинг озиқ-овқат рациони қандай ва нима сабабдан ўзгарганини;
- пулнинг қандай пайдо бўлганини;
- одамлар нима учун савдо-сотик билан шуғуллашишини;
- нима сабабдан одамларнинг ҳамма орзу-истаклари ҳам амалга ошавермаслигини.

БИЗ ЎРГАНДИК:

- тўғри овқатланиш менюсини расмларда тақдим қилишни;
- қадимги одамнинг менюсини тузишни;
- савдо-сотик: товарларни сотиш ва сотиб олиш қандай бўлишини тушунтиришни;
- зарур нарсаларни сотиб олиш танловига боғлиқ вазиятларни ҳал қилишни.

ТОПШИРИҚНИ БАЖАРИНГ

1. Кроссвордни ечинг.

о			
л			
о			
в			

1. Эркин, мустақил.
2. Кийим.
3. Саришта, саринжом.
4. Давлатнинг пул бирлиги.

2. Ребусларни ечинг. Жавоблари ўзаро қандай боғлиқлигини тушунтиринг.

‘**100 А**



3. Сананг.

Қўлингизда 100 тенге бор. Сиз 2та дафтар ва ручка сотиб олишингиз керак. Битта дафтар 16 тенге, ручка 50 тенге туради. Сизда қанча пул қолади?. Унга яна нима сотиб олишингиз мумкин?

8-мавзу. СОҒЛОМ ТАНДА СОҒ АҚЛ

БИЗ:

- гигиенанинг нималигини билиб оламиз;
- соғлиқни сақлаш учун қандай қоидаларга риоя қилиш кераклигини билиб оламиз;
- уйда ўзини қандай қилиб хавфсиз тутишни ва қандай ҳолларда шошилинч ёрдам хизматига мурожаат қилиш кераклигини аниқлаймиз.
- табиатдаги тартиб қоидаларни тузишни ўрганамиз.





30-дарс

Калит сўзлар:
гигиена

Менинг соғлигим. Шахсий гигиена

Билиб оламиз:

– шахсий гигиена нима эканлигини.

Ўрганамиз:

– шахсий гигиена қоидаларига
риоя қилишни.



Расмларни кўриб чиқинг. Бу предметлар одамнинг соғлигига қандай таъсир қилишини айтиб беринг.



Бу предметларнинг қайси бири баданимизни озода тушишга ёрдам беради.



Гигиена қоидаларига риоя қилинмаса, нима бўлишини тахмин қилинг.



«Гигиена» сўзининг маъносини луғатдан билиб олинг.

Баъзан соғлом одам касаллар билан алоқада бўлгандан сўнг касал бўлиб қолади. Бу гигиена қоидаларига риоя қилинмаганида содир бўлади.

Дунёда касалликлар жуда кўп. Одам организми касаллик билан ўзи кураша олади. Лекин касал одамга шифокор ёрдами керак бўладиган ҳолатлар ҳам бўлади.



Кўпинча одамлар касал одамнинг ёнида бўлиб, касалликни юқтириб олишади. Соғлигингизни асранг! Шахсий гигиена қоидаларига риоя қилинг, тез-тез қўлингизни ювиб туринг, агар ёнингизда касал одам бўлса, ниқоб тақинг.



Баъзан одам ўз соғлиги тўғрисида яхши ғамхўрлик қилмагани учун ҳам касаллик юзага келади. Организмни касалликлардан қандай ҳимоя қилиш керак?

Расмларни кўриб чиқинг. Турли касалликлар хавфи қаерда яширган бўлиши мумкинлиги ҳақида ҳикоя тузинг.



КАСАЛЛИКЛАР ҚАЕРДАН КЕЛАДИ?





Соғлигингизни сақлаш учун қоидаларни ба-
жаринг:

- Фақат тозаланган ёки қайнатилған сув ичинг.
- Хонани шамоллатиб туринг.
- Фақат ювилған сабзавот ва мевалар енг.
- Бинони ҳашаротлардан ҳимоя қилинг.
- Шахсий гигиена қоидаларига риоя қилинг ва чиниқинг.



Шифокор – мұхим ва керакли касб. Шифокор қасалликтарни аниқлады ва даволайды, одамларни эпидемиядан ҳимоя қилади. Шифокорларнинг юздан ортиқ мутахассисліктери бор. Уларнинг баъзиларини айтиб бера оласизми?

Уйда қандай хавфлар бўлади?

Билиб оламиз:

– уйда ўзини қандай хавфсиз тутишни.

Билиб оламиз:

– қандай ҳолларда шошилинч ёрдам хизматига мурожаат қилиш кераклигини.



31-дарс

Калит сўзлар:
хавфсизлик



Расмларни кўриб чиқинг. Матнни ўқинг ва саволларга жавоб беринг.

Ҳар бир уйда кўп нарсалар бор, уларсиз бизга жуда қийин бўлади. Булар майший техника, идиш-товоқ, мебель ва бошқа кўп нарсалар. Улар одамга ёрдам беради, унинг меҳнатини енгиллаштиради. Лекин заари тегмаслиги ва биз хавфсизликда бўлишимиз учун бу буюмларни ишлатишни илишимиз керак.



Расмда тасвирланган предметлар одамларга қандай қулаликлар яратади? Бу буюмларда нима хавфли бўлиши мумкин?

Бугун биз улар бизга фақат фойда келтиришлари учун уй буюмларидан хавфсиз фойдаланиш қоидасини тузамиз.



Расмдан санчадиган ҳамда кесадиган буюмларни топинг ва уларнинг номини айтинг. Уларни ишлатиш қоидасини ўйлаб топинг.



Дори қутичасида дорилар бор. Уйда майший кимё воситалари: ювадиган, тозалайдиган воситалар, ҳашаротларга қарши курашиш учун препаратлар ва бошқалар бўлиши мумкин.



Партадошингиз билан муҳокама қилинг:

- Дориларни ўзи синаб қўриши мумкинми?
- Майший кимё солинган нарсани очиш мумкинми? Нима учун?



Расмда қандай электр асбоблар тасвирланган? Уларнинг қандай фойдали иш бажаришларини эсланг. Лекин уларда одам учун хавф ҳам яширган. Нотўғри ишлатилса, улардан ток уриши ёки улар ёнғин сабабчиси бўлиб қолишлари мумкин. Расм бўйича ҳикоя тузинг.



Тақиқловчи белгиларни кўриб чиқинг ва уларнинг нимани англастишини тушунтиринг.





Нима учун бу қоидаларга риоя қилиш кераклигини тушунтириңг.

Бегона одамлардан эҳтиёт бўлинг!
Бегона одамларга ҳеч қачон эшикни очманг!
Улар билан сухбатга киришманг!
Улар билан ҳеч қачон ҳеч қаёққа борманг!
Лифтга бегона одам билан кирманг!



Шошилинч хизмат чақириш телефонлари рақамларини эслаб қолинг.

- 101** – ўт ўчирувчилар
- 102** – полиция
- 103** – тез ёрдам
- 104** – шаҳаргаз авария хизмати
- 112** – ягона қутқарув хизмати



32-дарс

Калит сўзлар:
тартиб қоидалари

Табиатда одам ўзини қандай тутиши керак?

Билиб оламиз:

– нима учун табиат Яшил уйдеб аталишини.

Урганамиз:

– табиатдаги тартиб қоидаларини тузишни.



Табиат бизга нима беради?

Табиат – бу биз яшайдиган Яшил уйимиз. Яқинда ёзги таътиллар ва биз походга борамиз. Биз жонли мавжудотлар : ҳашаротлар, қушлар, ҳайвонлар яшайдиган оламга кирамиз. Улар дараҳтлар, ўт-ўланлар, гулларнинг яшил салтанатида яшайдилар.

Яшил уйдаги тартиб қоидаларини тузамиз.



Бу биринчи ва асосий қоида!

Партадошингиз билан походдан кейин қолган ахлатларни нима қилиш кераклигини муҳокама қилинг. Қарорингизни синфдошларингизга айтинг.



Расмларни кўриб кўриб чиқинг. “ЙЎҚ” деган сўз иштироқида ўрмондаги бешта тартиб қоидасини тузинг.





Расмларни күриб чиқинг. Ким тұғри иш қиляпти, ким эса – нотұғри. Нима учунлигини тушунтириңг.



Партадошингиз билан табиатда үзини қандай тутиш кераклиги ҳақида фикрингизни ўртоқлашиңг.

Бизнинг аждодларимиз табиатни әхтиёт қилғанлар. Улар үзларини Она-Ер фарзанди деб ҳисоблаганлар. Одамлар табиат билан уйғунлик ва тотувликда яшашга ҳаракат қилғанлар. Табиатга зарар келтирадиган ҳеч нарса қилмаганлар.

**Ер – бизнинг умумий уйимиз!
Сайёрамизни асраб-авайлаймиз!**



Ернинг қайси жойига борсангиз ҳам, унинг яшовчилариға зарар етказишингизга йўл қўйманг.

33. ВАЗИФАЛАР КАЛЕЙДОСКОПИ

1. Расмларни кўриб чиқинг ва соғлом овқатга мансуб маҳсулотларни кўрсатинг.



2. 2. Жуфтлиқда ишлаш. Фикрларни ўқинг ва дўстингизга уларнинг маъносини қандай тушунганингизни изоҳланг.

Одам кўп нарсани талаб қиласди, лекин унга озгинаси ҳам етади.

Одамга нима берсангиз ҳам – унга ҳаммаси кам. Уларсиз ҳам иш битадиган нарсалар жуда кўп.

3. Расмларни кўриб чиқинг ва улар бўйича шахсий гигиена қоидасини тузиб чиқинг.





4. Таянч сўзлардан фойдаланиб, қадимги одамларнинг ҳаётидаги ўзгаришлар ҳақида ҳикоя тузинг.

Олов, гулхан, сопол идиш, ёй ва ўқлар, сол ва қайиқлар.

5. Дунё мамлакатлари валюталари орасидан Қозоғистон Республикасининг пул бирлигини топинг. Қайси белгиларига кўра топганлигингизни айтинг



6. Жуфтликда ишлаб, бу белгилар нимани англатишини дүстингизга тушунтириңг.



«СОҒЛОМ ТАНДА – СОҒ АҚЛ» мавзусини ўрганиб,

БИЛИБ ОЛДИК:

- шахсий гигиенага риоя қилиш нима учун мұхимлигини;
- уйдаги хавфни қандай четлаб үтиш мүмкінлигини;
- нима учун табиатта әхтиёткорона муносабатда бўлиш кераклигини.

БИЗ ЎРГАНДИК:

- нима учун гигиенага риоя қилиш соғлиқни сақлашга ёрдам беришни тушунтиришни;
- уй буюмларини қандай қилиб хавфсиз ишлатиш кераклигини гапириб беришни;
- табиатдаги тартиб қоидаларни тузишни.



Якуний тест «Ўзингизни текширинг»

1. Ҳар бир мактаб ўқувчиси ... керак:

- А) кузатиши, эслаб қолиши, диққат билан тинглаши;
- Б) қоидаларга риоя қилиши;
- В) яхши ўқиши.

2. «Кун тартиби» атамасига аниқ жавобни танланг.

- А) Мөхнат, ҳордиқ ва таомланишнинг яхши ўйланган тартиби.
- Б) Мөхнат ва дам олиш тартиби.
- В) Мөхнат, ҳордиқнинг яхши ўйланган тартиби.

3. Ғамхўрлик қилиш мумкин:

- А) одамга ва жониворга;
- Б) одамга, жониворга ва нарса-буюмларга;
- В) жониворга ва нарса-буюмларга;

4. Мактабда ишлайдиган одамларнинг касбларини кўрсатинг:

- А) ўқитувчи, ошпаз, кутубхоначи, шифокор;
- Б) ўқитувчи, денгизчи, геолог;
- В) шифокор, муҳандис, ошпаз, ҳуқуқшунос;

5. Мактаб ёки бошқа жойдаги энг муҳим тартиб қоидаси:

- А) баланд овозда гапириш;
- Б) зарур бўлган пайтда туриш;
- В) атрофдаги одамларга халақит бермаслик.

6. «Пиёдалар ўтиш жойи» белгисини кўрсатинг:



A



B



C

7. 7. Осмоннинг ер ёки сув юзаси билан туташиб кетгандай туюладиган чизик:

- А) уфқ;
- Б) шимол, жануб, ғарб, шарқ;
- В) маҳаллий белгилар.

8. Вакилларига компас зарур бўлган касни кўрсатинг:

- А) ўқитувчи;
- Б) шифокор;
- В) денгизчи.

9. Об-ҳавони тавсифлаш учун кузатиш керак:

- А) осмондаги булатларни, шамолни;
- Б) ёғинларга, ҳаво ҳароратига;
- В) барча жавоблар тўғри.

10. Баданни, кийимларни, турар жойни озода сақлаш ... дейилади:

- А) гигиена;
- Б) тартиб;
- В) соғлик қоидалари.

11. Одамнинг биринчи меҳнат қуроли:

- А) болта;
- Б) чоппер;
- В) курак.

12. Саклар маликаси:

- А) Зарина;
- Б) Сара;
- В) Тўмарис.

13. Нур-Султандаги диққатга сазовор жой:

- А) Хан Шатир;
- Б) Кок-Тобе;
- В) Медеу.

14. Мақолни тўлдиринг: "Сизнинг пулларингиз, бизнинг...":

- А) мол ;
- Б) манфаат;
- В) савдогар.

15. Тез ёрдамга қўнғироқ қилиш мумкин бўлган рақам:

- А) 101;
- Б) 102;
- В) 103.

16. Давлатнинг график рамзи:

- А) Байроқ;**
- Б) Герб;**
- В) Мадҳия.**

17. Энг қадимги ёзув тури:

- А) пиктография;**
- Б) палеография;**
- В) петроглиф.**

18. Матнни ўқинг.

Қадимги одамлар уни тирик мавжудот деб ҳисоблашган, уни қўлга ўргатишиди, ўз ғорларига жойлаштиришиди. Одамлар унда овқат пиширишини ўрганишиди. У совуқдан саклади.

Гап нима ҳақида кетяпти?

- А) кийим;**
- Б) олов;**
- В) сопол.**

19. Соғликка фойда келтирадиган маҳсулотлар:

- А) газланган ичимликлар;**
- Б) сут, тухум, сабзавотлар;**
- В) чипслар.**

20. Одамнинг энг қадимги машғулоти, ов қилиш учун ёввойи ҳайвонларни ва қушларни излаш:

- А) йиғишиш-териш;**
- Б) ҳунар;**
- В) ов.**

ГЛОССАРИЙ

Архар – Ўрта ва Марказий Осиёнинг тоғли ҳудудларида яшовчи тоғ қўйи.

Хавфсизлик – хавф-хатар ва таҳдидлардан ҳимояланганик.

Уруш – олишув, жанг.

Валюта – давлатнинг пул бирлиги.

Герб – давлатнинг график рамзи.

Гигиена – баданни, кийимларни, турар жойни озода сақлаш.

Мадҳия – тантанали қўшиқ ёки куй, давлат рамзларидан бири.

Шаҳар – йирик аҳоли пункти.

Давлат рамзлари – давлатнинг бошқалардан ажратиб турвчи белгилари.

Пул – металл ёки қоғоз белгилар, олди-сотди ишларида баҳо ўлчови ва тўлов воситаси.

Ғамхўрлик – ёрдам, қўллаб-қувватлаш, эътиборли муносабатда бўлиш. Одамга, жониворларга ва нарса-буюмларга ғамхўрлик қилиш мумкин.

Организмни чиниқтириш – шамоллаш касалликларига чидамлилик ва барқарорликни кўтаришга йўналтирилган тадбирлар тизими.

Соғлик – тирик организмнинг ҳолати, бунда унинг бутун органи барча вазифаларини тўлиқ бажаради.

Хабар – атрофдаги олам ҳақидаги маълумотлар.

Санъат – атрофдаги оламнинг ижодий акс эттирилиши.

Тарих – ўтмишда содир бўлган воқеаларни ўрганувчи фан.

Харита – ер юзасининг қоғоздаги кичрайтирилган тасвири.

Жамоа – қандайдир бир умумий фаолият, иш, ўқиш, бирор-бир муайян масалани ҳал қилиш учун бирлашган одамлар гуруҳи. Кенгроқ маънода – умумий ғоя, эҳтиёж, манфаат билан бирлашган одамлар.

Конституция – давлатнинг Асосий қонуни.

Кўчманчи – кўчманчилик ҳаёт тарзида яшаётган одам.

Қўрғон – қадимги тупроқ ёки тошдан уйилган қабр тепалиги, одатда ярим шарсимон ёки конус шаклида бўлади.

Ёй – ўқлар билан отиш учун мўлжалланган отиш қуроли,

Кичик ватан – одамнинг туғилган ва ўсган жойи.

Мустақиллик – қарам эмаслик, халқ, давлат ёки мамлакатнинг қарамлиги ва тобелигининг мавжуд эмаслиги.

Атрофдаги олам – одамни ўраб турган борлиқ: табиат, бошқа одамлар.

Ориентир олиш – ўз турган жойини уфқнинг томонларига нисбатан аниқлаш. Маҳаллий белгилар (ориентирлар) бўйича ҳам ориентир олиш мумкин.

Ов – одамнинг энг қадимги машғулоти, ов қилиш учун ёввойи ҳайвонларни ва қушларни излаш.

Пиктография – ёзувнинг энг қадимги шакли, расмли ёзув.

Ёзув – шартли график белгилар ёрдамида маълумот етказиш усули.

Эҳтиёж – одамнинг ҳаёти ва ривожланиши учун зарур бўлган нимагадир муҳтоҷ бўлиши.

Коида – таклиф ёки талаб, баъзи ҳаракатларни талаб қилинганидай бажариш, шунингдек ҳаракатдан воз кечишни талаб қилиш.

Аждод – насл бўйича қадимги ўтмишдош, шунингдек аввалги авлодларнинг ватандоши.

Касб – одам меҳнат фаолиятининг тури, одатда унинг мавжудлиги манбаи.

Саёҳат – маълум бир ҳудудда ўрганиш, шунингдек билим ортириш, спорт ва бошқа мақсадларда кезиш.

Овқатланиш режими – таом истеъмол қилиш вақти, овқатланиш оралиғидаги вақт, бир кунда овқатланиш сони.

Ресурслар – пул маблағлари, қимматбаҳо нарсалар, захиралар, воситалар, даромадлар манбаи (масалан, табиий ресурслар).

Чоппер – энг қадимги одамнинг тош қуроли.

Саклар – ҳозирги Қозоғистон ҳудудида мил.ав. I асрда яшаган кўчманчи қабила

Кишлоқ – аҳолиси чорва молларини боқиш ва буғдой, сабзавотлар ва бошқа әкинларни етиштириш билан шуғулланадиган катта бўлмаган аҳоли пункти.

Оила – бу яқин ва туғишиган одамлар. Оилада ҳамма бир бирини яхши кўради ва бир бирига ғамхўрлик қиласди.

Рамз – фарқловчи белги; бирор бир ғояни мужассам этган образ.

Қутқариш хизмати – профессионал қутқарув хизмати.

Йиғиш-териш – одамнинг овқатнинг тайёр турлари: ёввойи ҳолда ўсадиган ейишга яроқли илдизларни, меваларни, резаворлар, асал, шунингдек моллюскалар, ҳашаротларни йиғишдан иборат бўлган энг қадимги хўжалик фаолияти шакли.

Пойтахт – давлатнинг бош шаҳри.

Товар – бошқа нарсаларга эркин алмаштиришда иштирок этадиган ҳар қандай нарса.

Савдо – моллар, хизматлар, қимматбаҳо нарсалар ва пуллар билан алмашиниш.

Саййёҳлик – одам томонидан бўш вақтида соғломлаштириш, танишиш, касбий иш, спорт ва бошқа мақсадларда қилган саёҳати.

Байроқ – давлат рамзларининг бири, битта рангли ёки кўп рангли матодан иборат бўлади.

Экскурсия – диққатга сазовор жойлар, музейлар ва бошқа жойларга жамоавий бориш.

Этнос (грек.- “халқ”) – умумий тил ва маданият белгилари билан бирлашган тарихан шаклланган одамлар груҳи.

Манбалар рўйхати

1. Артықбаев Ж.О., Прманов А. История Казахстана (научно-познавательное издание). Алматы: Атамұра, 2013.
2. Веревочкин Н. Родина мамонтов. Алматы: Атамұра, 2016.
3. Веркина А. Времена года. М., 2019.
4. Гаврюшин М. Физическое развитие детей и подростков школьного возраста. Самара, 2018.
5. Епифанова О. Детям про гигиену. В погоне за вредными микробами. М.: Эксмо, 2019.
6. Жумаханов Т. Древний Казахстан. Алматы: Аруна, 2013.
7. Жумаханов Т. Казахское ханство. Алматы: Аруна, 2013.
8. Знаешь ли ты? Энциклопедия. Алматы: Аруна, 2017.
9. Иващенко А., Белялов О. Цветы Казахстана. Фотоальбом. Алматы: Атамұра, 2012.
10. Ильин М. Сто тысяч почему. Рассказы о вещах. М.: Русское слово, 2016.
11. Карта мира для детей. Алматы: Аруна, 2015.
12. Кенжеахметулы С. Жеті қазына. Алматы: Ана тілі, 2015.
13. Кенжеахметулы С. Казахские обычаи и обряды (на каз. рус. и англ. языках). Алматы: Атамұра, 2015.
14. Культура Казахстана. Алматы: Аруна, 2007.
15. Кумеков Б. Великие учёные Востока. Алматы: Аруна, 2007.
16. Кунанбаев А. Времена года Алматы, 2017.
17. Правила дорожного движения для детей: сборник / сост. Е. Позина. М.: Стрекоза, 2014.
18. Сегизбайулы К. Казахская национальная кухня. Традиции казахского дастархана. Алматы: Атамұра, 2011.
19. Сламбекова Н. Чудеса природы Казахстана. Алматы: Аруна, 2008.
20. Шалаева Г. Правила дорожного движения для воспитанных детей. М.: Малыш, 2009.

<http://bilimainasy.kz>
<http://mirznanii.com>
<http://sacralkazakhstan.kz/> Национальные сокровища Казахстана
<http://sacredplaces.kz/> Сакральный Казахстан
<http://tarih.spring.kz/ru/>
<http://www.csmrk.kz/index.php/mnu-exposition/mnu-virtual-obzor> Центральный государственный музей Республики Казахстан
<http://www.tarih-begalinka.kz>
<http://www.tarih-begalinka.kz/>
<http://www.world-globe.ru>
<https://childdevelop.ru/articles/upbring/2486/> Рассказываем детям о роли и значении семьи
https://detskiychas.ru/tag/rasskazy_o_shkole/ Детям о школе.
Детский час
<https://e-history.kz/ru/>
https://go.mail.ru/search_video
<https://ru.wikipedia.org>
<https://www.tarikh.kz/>
www.kazedu.kz
www.syl.ru/article
<http://pritchi.castle.by/ras-24-72.html> (Легенда о Байтереке)

Үқув нашри

Турмашева Ботагоз Кадировна
Салиш Салтанат Салишевна
Мирук Татьяна Николаевна

ДУНЁ ТАНИШ

Умумтаълим мактабларининг 1-синфи учун дарслик

Нашриёт бошлиғи *Н. Жиенгалиев*
Мұхаррір *А. Раймкулова*
Рассом-иллюстратор *А. Айтжанов*
Техник мұхаррір *О. Рысалиева*
Мусаххих *Г. Туленова*
Компьютер саҳифаловчиси *А. Айтжанова, Д. Развинавичюса*

ИБ № 000

Теришга берилди 00.00.0000. Нашрға рухсат 00.00.0000. Ҳажм 70×100 1/16.
Офсет қоғози. Офсет босма. Усл.печ. л. 00,00. Уч.-изд. л. 00,00.
Тираж 000 нұсха. буюртма № 0000.

Полиграфкомбинат ТОО «Корпорация «Атамура»,
050000, Алмати, пр. Абылай хан, 75.
050002, Алмати, Макатаев, 41.



Казакстан Республикасы «Жазушы» баспасы, 050009.
Алматы қаласы, Абай даңғылы, 143-ҮЙ.
E-mail: zhazushi@mail.ru